# ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

1-бетда

*нидан 2009 йил 25 февралда 1910-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* **Тайёр гўшт-сут маҳсулотларининг сифати устидан тизимли комплекс назорат ўтказиш тартиби тўғрисида низом тасдиқланди.** Гўшт-сут маҳсулотлари сифати устидан «Ўзстандарт» агентлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан амалга ошириладиган назоратнинг асосий масалалари белгиланган бўлиб, уларга технологик жараёнларнинг мавжудлиги, чор-



вачилик хом ашёсини комплекс қайта ишлаш учун асбобларнинг ўзлаштирилиши ва ишлаши ҳамда тайёр гўшт-сут маҳсулотларини ишлаб чиқариш; гўшт-сут маҳсулотини ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнида белгиланган тартибда келишилган ва тасдиқланган норматив, техник ҳужжатлар, технологик йўриқномаларнинг мавжудлиги ва бошқалар киради.

**2009 йил 7 мартдан кучга кирди.**

## АКЦИЯ ЭГАЛАРИНИНГ ТЎЛИҚ РЕЕСТРИ

**Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг буйруғи билан *(АВ томонидан 2009 йил 25 февралда 1911-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* Акциялар эгалари реестри ва корпоратив облигациялар эгалари реестри тўғрисида низом тасдиқланди.**

Уни юритиш тизими марказий рўйхатга олувчи функциясини бажарувчи Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ва номинал сақловчи ҳисобланган депозитарийларнинг ҳисобга олиш регистрларидаги ёзувлар йиғиндисидан иборат. Белгиланишича, реестр юритиш тизимида қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларнинг олувчига ўтиши қимматли қоғозлар эгаларининг Марказий депозитарий ва депозитарийлардаги депо ҳисобварақлари бўйича депозитар операцияларни ўтказиш йўли билан депозитар операциялар стандартларига мувофиқ амалга оширилади. Реестр эмитентнинг қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқлари ҳисобини амалга оширувчи депозитарийларнинг операция куни якунида қимматли қоғозлар эгаларининг депо ҳисобварақлари ҳолати бўйича реестрни шакллантириш тўғрисидаги топшириқномада кўрсатилган санага шакллантирилади. Ҳужжат билан бошқа масалалар ҳам тартибга солинган.

**2009 йил 7 мартдан кучга кирди.**

## МАХСУС ҲИСОБВАРАҚ УЧУН АКЦИЗ

**Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг қарори билан *(АВ томонидан 2009 йил 25 февралда 1912-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* Ўсимлик (пахта) ёғи учун тўланадиган акциз солиғининг бир қисмини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг махсус очиладиган ҳисобварағига ўтказиш ва уни ишлатиш тартиби тўғрисида низом тасдиқланди** *(«Норма маслаҳатчи»да чоп этилади)*. Белгиланишича, махсус ҳисобварақҳа ўтказиб бериладиган акциз солиғининг бир қисми ўсимлик (пахта) ёғи учун акциз солиғининг умумбелгиланган ставкаси бўйича ҳисобланадиган ва мазкур акциз солиғининг Давлат бюджетига тўланадиган суммалари ўртасидаги фарқдан келиб чиқиб аниқланади. Махсус ҳисобварақҳа ва Давлат бюджетига ўтказиладиган акциз солиғининг суммаси Президентнинг қарори билан белгиланади. Корхоналар ўсимлик (пахта) ёғини, саломас ва «Ўзбекистон» ёғини ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган ёғ бундан мустасно, сотишдан умумий ҳисобланган акциз солиғининг тўлов топшириқномасини акциз солиғини тўлаш муддатларида хизмат кўрсатувчи банкка юборади.

**2009 йил 7 мартдан кучга кирди.**

## ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРГА ТАЪРИФ БЕРИЛДИ

**Давлат божхона қўмитаси, «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК, Молия вазирлиги ва Марказий банк Бошқарувининг қарори билан *(АВ томонидан 2009 йил 25 февралда 619-2-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* Темир йўл транспорти йўловчиларининг қўл юкини, багажини, валютасини ва валюта бойликларини божхона назоратидан ўтказиш ва расмийлаштириш тартибига киритилган ўзгартишлар қимматли қоғозларга берилган таърифни амалдаги қонунчиликка мувофиқлаштиради.**

**2009 йил 7 мартдан кучга кирди.**

## БАНК БИЛАН МУОМАЛАДА БЎЛГАНЛАР УЧУН НИЗОМ

**Марказий банк бошқарувининг қарори билан Банклар ва уларга алоқадор шахслар ўртасида ўтказиладиган операциялар тўғрисидаги низомга қўшимчалар киритилди *(АВ томонидан 2009 йил 27 февралда 556-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган)*.** Уларга мувофиқ, аукцион ва танлов савдоларида банкларга мулк сифатида сотилган ишлаб чиқариш банкрот корхоналарининг мол-мулки негизида ташкил этилган корхоналарга ёки хўжалик судининг қарорига биноан тугатиш қиймати бўйича кре-



дитор банкларнинг балансига қабул қилинган ишлаб чиқариш банкрот корхоналарининг мол-мулки негизида ташкил этилган корхоналарга берилган кредитлар ҳамда «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси таркибига кирувчи корхоналарга берилган кредитлар банк билан боғлиқ шахсга бериладиган кредит миқдорига (2012 йил 31 декабрга қадар) киритилмайди.

*Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қисқача шарҳлари 2009 йил 21 февралдан 27 февралгача бўлган давр учун "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами"нинг 9-сони асосида тайёрланди.*

*Мазкур ва бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан www.norma.uz сайтидаги эркин кириладиган «Қонунчиликдаги янгиликлар» рукнида танишиб чиқишингиз мумкин.*

## ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2009 йил 10 мартдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)*

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 906,87 | 1 Польша злотийси | 384,38 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 2179,55 | 1 СДР | 2083,93 |
| 1 Дания кронаси | 241,33 | 1 Туркия лираси | 793,44 |
| 1 БАА дирҳами | 386,04 | 1 Швейцария франки | 1225,15 |
| 1 АҚШ доллари | 1417,87 | 1 ЕВРО | 1992,82 |
| 1 Миср фунти | 253,87 | 10 Жанубий Корея вони | 9,11 |
| 1 Исландия кронаси | 12,58 | 10 Япония иенаси | 144,59 |
| 1 Канада доллари | 1101,86 | 1 Россия рубли | 39,67 |
| 1 Хитой юани | 207,30 | 1 Украина гривнаси | 184,14 |
| 1 Малайзия ринггити | 381,66 | | |

**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

## МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

| Мамлакат | Сана | АҚШ доллари | | Евро | | Россия рубли | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | бирлиги | курси | бирлиги | курси | бирлиги | курси |
| Озарбайжон | 12.03.2009 | 1 | 0,8045 | 1 | 1,0328 | 1 | 0,023 |
| Арманистон | 12.03.2009 | 1 | 369,89 | 1 | 472,87 | 1 | 10,53 |
| Беларусь | 13.03.2009 | 1 | 2880,00 | 1 | 3672,00 | 1 | 81,60 |
| Грузия | 12.03.2009 | 1 | 1,694 | 1 | 2,1444 | 1 | 4,824 |
| Қозоғистон | 13.03.2009 | 1 | 150,48 | 1 | 192,07 | 1 | 4,28 |
| Қирғизистон | 7.03.2009 | 1 | 41,582 | 1 | 52,8154 | 1 | 1,1635 |
| Латвия | 13.03.2009 | 1 | 0,549 | 1 | 0,702804 | 1 | 0,0157 |
| Литва | 13.03.2009 | 1 | 2,7075 | 1 | 3,4528 | 10 | 7,6738 |
| Молдава | 12.03.2009 | 1 | 10,7792 | 1 | 13,7516 | 1 | 0,3079 |
| Тожикистон | 13.03.2009 | 1 | 3,7532 | 1 | 4,8945 | 10 | 1,0795 |
| Ўзбекистон | 10.03.2009 | 1 | 1417,87 | 1 | 1992,82 | 1 | 39,67 |
| Украина | 12.03.2009 | 100 | 770,00 | 100 | 984,522 | 10 | 2,1927 |
| Эстония | 12.03.2009 | 1 | 12,2392 | 1 | 15,6466 | 1 | 0,348134 |

*Манба: www.prime-tass.ru*

## АҚШ ДОЛЛАРИ ВА ЕВРОНИНГ ВАКОЛАТЛИ БАНКЛАР ТОМОНИДАН АЙИРБОШЛАШ ШОХОБЧАЛАРИДА

*2009 йил 10 март ҳолатига ўзбек сўмига нисбатан жорий этилган курси*

| Банк номи | АҚШ доллари | | Евро | |
|---|---|---|---|---|
| | харид | сотиш | харид | сотиш |
| ЎзР ТИФ МБ | 1429,00 | 1432,00 | 1993,00 | 2022,00 |
| "Асака" банки | 1429,00 | 1432,00 | 1993,00 | 1998,00 |
| "Ўзсаноатқурилишбанки" | 1429,00 | 1432,00 | 1997,00 | 2012,00 |
| "Пахта Банк" | 1429,00 | 1432,00 | 2009,00 | 2013,00 |
| "Халқ банк"и | 1429,00 | 1432,00 | 1994,00 | 2007,00 |
| "Ипотекабанк" | 1429,00 | 1432,00 | 1993,00 | 2000,00 |
| "Микрокредитбанк" | 1429,00 | 1431,00 | 1993,00 | 2008,00 |
| RBS O'zbekiston MB | 1428,00 | 1432,00 | 1977,00 | 2006,00 |
| "UzKDBбанк" | 1428,00 | 1432,00 | 1993,00 | 2008,00 |
| "Ғаллабанк" | 1429,00 | 1431,00 | 1993,00 | 2002,00 |
| "Трастбанк" | 1429,00 | 1432,00 | 1993,00 | 2010,00 |
| "Алп Жамол банк" | 1429,00 | 1431,00 | 1993,00 | 1998,00 |
| "Алоқабанк" | 1430,00 | 1432,00 | 1995,00 | 2010,00 |
| "Ў-Т банк" | 1428,00 | 1432,00 | 1994,00 | 2013,00 |
| "Туронбанк" | 1429,00 | 1432,00 | 1993,00 | 2073,00 |
| Ўзбекистон-Германия "Савдогар" АТБ | 1429,00 | 1432,00 | 1993,00 | 2020,00 |
| "Ипак йўли" банки | 1429,00 | 1431,00 | 2000,00 | 2010,00 |
| "Туркистон" банк | 1430,00 | 1432,00 | 1993,00 | 1995,00 |
| "Даврбанк" | 1428,00 | 1432,00 | 1993,00 | 2013,00 |
| "Кредит-Стандарт" банки | 1429,00 | 1432,00 | 1963,00 | 2023,00 |
| "Капитал банк" | 1429,00 | 1432,00 | 1992,90 | 2022,00 |
| "Содерат банк" | 1429,00 | 1432,00 | 1993,00 | 2022,00 |
| "Ҳамкорбанк" | 1428,00 | 1431,00 | 1993,00 | 2023,00 |
| "Универсалбанк" | 1428,00 | 1432,00 | 2007,00 | 2012,00 |
| "Равнақбанк" | 1429,00 | 1432,00 | 1993,00 | 2022,00 |

*"Банк ахборотномаси" 11 (670)-сон, 2009 йил 11 март.*

УШБУ СОНДА:


✓ **ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР**
- Янги ҳужжатларни тақдим этамиз
- Валюталар курси
- Адвокатурани ислоҳ қилиш давр талаби *1-4-бетлар*

**ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР**

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори**
- "Касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этиш ва ўтказишни такомиллаштириш тўғрисида".

**Идоравий-меъёрий ҳужжатлар:**
- ЎзР Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг "Хўжалик юритувчи субъектнинг 35 фоиздан ортиқ акциялари, улушларини олиш устидан назорат қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида"ги қарори;
- ЎзР Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказининг "Хўжалик юритувчи субъектнинг 35 фоиздан ортиқ акцияларини сотиб олиш устидан назорат қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақидаги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида"ги қарори;
- ЎзР Халқ таълими вазирлиги, МВнинг "Ота-оналар томонидан болаларнинг мусиқа ва санъат мактабларида ўқиши учун ҳақ тўлаш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарори;
- Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директорининг "Мобиль алоқа хизматларини кўрсатиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида"ги буйруғи. *5-10-бетлар*

✓ **top** *11-16-бетлар*

# АДВОКАТУРАНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ – ДАВР ТАЛАБИ

***Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар жараёнида фуқаролик жамиятининг муҳим институтларидан бири бўлган адвокатура тизимини ҳам ислоҳ қилиш ҳамда унинг жамиятдаги мавқеини оширишга кенг эътибор қаратилмоқда.***

***Аввало, соҳани такомиллаштиришнинг ҳуқуқий асоси сифатида 1996 йилда «Адвокатура тўғрисида» ва 1998 йилда «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги қонунларнинг қабул қилиниши ва унда адвокатура фаолиятини тартибга солувчи, хусусан адвокатларнинг дахлсизлиги ва касбий кафолатларини таъминлашга қаратилган муҳим нормаларнинг белгиланганлиги адвокатура институтининг мустақиллигини маълум даражада таъминлади ҳамда адвокатларга касбий вазифаларини амалга оширишда кенгроқ имкониятлар яратди.***

Қонунда адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияни белгиланган тартибда олган шахс ўз адвокатлик бюросини очиб, якка тартибда фаолият кўрсатишга ёхуд ихтиёрийлик асосида бошқа адвокатлар (шериклар) билан ҳайъатлар ва фирмалар тузишга ҳақли эканлигининг белгиланиши мамлакатимизда адвокатлик фаолиятининг ташкилий шакли сифатида мавжуд бўлган адвокатлар ҳайъатлари билан бир қаторда, адвокатлик фирма ва бюроларининг ташкил этилишига олиб келди. Натижада адвокатлар сони ҳам сезиларли даражада ошди. Қонун қабул қилинишига қадар республикада 1 700 га яқин адвокат фаолият кўрсатган бўлса, ҳозирги кунда адвокатлар сони 6 500 нафардан ошиб кетди. Турли ташкилий шаклдаги адвокатлик тузилмаларининг фаолият юритаётганлиги соҳада соғлом рақобатни вужудга келтириб, кўрсатилаётган юридик ёрдамнинг сифат даражаси яхшиланишига олиб келди, қолаверса мамлакатимизнинг чекка ҳудудларида яшаётган фуқаролар ҳам юридик ёрдам олиш имкониятига эга бўлмоқдалар.

Лекин адвокатурага оид қонун ҳужжатларида айрим масалаларнинг тартибга солинмаганлиги амалиётда соҳа ривожига тўсиқ бўлиб келаётган эди. Шу боис Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 1 майдаги «Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-3993-сон Фармони мазкур масалаларни ҳал этишга қаратилган чора-тадбирларнинг асосий йўналишларини белгилаб берди.

Фармоннинг мазмун-моҳияти суд-ҳуқуқ тизимининг узвий бўлаги ҳисобланган адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш, уни фуқаролик жамиятининг институтларидан бири сифатида эътироф этиш, энг аввало адвокатуранинг жамиятдаги мавқеини кўтариш, кучли мустақил адвокатура тизимини барпо этиш орқали инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарали механизмини яратишга қаратилган.

Фармонда белгилаб берилган вазифаларнинг долзарблиги ва кенг қамровлилиги уларнинг нафақат адвокатура, балки суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштиришга хизмат қилишида ҳам яққол намоён бўлади.

Яқингача амалда бўлган қонун ҳужжатларида адвокатлик тузилмалари (адвокатлар ҳайъати, фирмаси, адвокатлик бюроси)ни ягона тизимга бирлаштирадиган адвокатура ўзини-ўзи бошқариш органлари ташкил этилиши назарда тутилмаган, адвокатларнинг касбий жамоат бирлашмаси сифатида фаолият кўрсатаётган Ўзбекистон Адвокатлар ассоциациясининг ҳуқуқий мақоми ҳамда адвокатура тизимидаги ўрни ва ролини белгиловчи нормалар белгиланмаган эди. Натижада айрим адвокатлик тузилмаларининг адвокатлари томонидан кўрсатилаётган юридик ёрдамнинг сифат даражаси умумий назоратдан четда қолди. Бу эса кейинги йилларда адвокатларнинг ҳаракати ва иш сифати хусусида тушаётган шикоятлар сонининг ортиб боришига ҳам сабаб бўлмоқда эди.

Ўзбекистон Адвокатлар ассоциацияси (кейинги ўринларда – Ассоциация) ихтиёрий аъзоликка асосланган касбий бирлашма бўлганлиги боис республикада фаолият кўрсатаётган барча адвокатларни бирлаштириш, улар фаолиятини мувофиқлаштириш имкониятига эга эмас эди. Маълумот тариқасида қайд этиш лозимки, ***бугунги кунда 24 та адвокатлар ҳайъати, 300 дан ортиқ адвокатлар фирмаси ва 400 дан ошиқ адвокатлик бюросида фаолият кўрсатаётган адвокатларнинг атиги 50 фоиздан озроғи*** Ассоциацияга аъзо бўлиб, уларнинг ҳам иш сифатини назорат қилиш механизми мавжуд эмас эди.

Ассоциация томонидан қабул қилинган ўнлаб корпоратив ҳужжатларнинг амалиётга татбиқ этилиши ҳамда адвокатура фаолиятини тартибга солувчи кўплаб норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда фаол иштироки ва суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштиришга оид таклифлари эътиборга молик эканлигини бугунги кунда республикамиз адвокатлари ва кенг жамоатчилик ҳам тан олмоқда.

Шу боис Фармонда адвокатуранинг самарали ўзини-ўзи бошқарадиган марказлаштирилган тизими – Ассоциация негизида республикадаги барча адвокатларнинг мажбурий аъзолигига асосланган Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг ташкил этилиши мамлакатимизда адвокатура тизими яхлитлигини таъминлайдиган, адвокатлар корпоратив бирлигини кучайтирадиган янги нотижорат ташкилот барпо этишни назарда тутади.

Аввалги қонунчиликда адвокатлик мақомига эга бўлиш учун қўйилган талабларнинг заифлиги (мутахассислик бўйича иш стажи ёки касбий тайёргарлик (стажировка) ҳамда юксак ахлоқий талабларга жавоб бериши лозимлиги ҳақидаги мезонларнинг йўқлиги) айрим ҳолларда касбий кўникмага эга бўлмаган, билим савияси паст ёки ножўя қилмиши туфайли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралардан ишдан бўшатилган нопок ходимларнинг соҳага кириб келишига сабаб бўлмоқда эди.

Қонунчиликда шахсларга адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия муддатсиз берилиши назарда тутилган бўлса-да, касбий фаолият давомида адвокатларнинг мунтазам касб малакаларини ошириб бориш мажбуриятлари белгиланмаган. Бу ҳолат ҳам ўз-ўзидан кўрсатилаётган юридик ёрдамнинг сифат даражасига салбий таъсир этиб, адвокатуранинг жамиятдаги мавқеи пасайишига олиб келган эди.

Фармонда адвокатликка номзод шахсларнинг малакасига нисбатан қўйилаётган талабларни кучайтириш, уларнинг юридик соҳа бўйича иш тажрибасига эга бўлиши ва адвокатлик тузилмаларида амалиёт ўташи ҳамда улар мунтазам равишда ўз касбий малакасини ошириб бориши мажбурлигининг белгиланиши юқорида таъкидланган ҳолатларни бартараф этишга қаратилган.



Қонунчиликда адвокатлик фаолиятининг ташкилий шакллари сифатида адвокатлар ҳайъати, адвокатлар фирмаси ва адвокатлик бюроларини тузиш мумкинлиги белгиланган. Уларнинг мақсад ва вазифалари муштарак бўлса-да, лекин ташкил этилиши, бошқариш усуллари, ихтисослашуви, фаолияти, адвокатларнинг иш услублари ва бир қанча жиҳатлари билан улар бир-биридан фарқланган. Ана шу жиҳатларнинг ҳуқуқий замини қонунчиликда ўз аксини топмаганлиги боис, адвокатлик тузилмаларини ташкил этиш, фаолият юритиш ва тугатилишида турли амалиёт юзага келиб, уларнинг барчасини ҳам ижобий деб бўлмас эди. Шу боис Фармонда адвокатлик тузилмалари ваколатларини аниқлаштириш ва ҳуқуқий мақомини белгилаш вазифасининг қўйилиши адвокатлик фаолиятининг самарали юритилиши, аҳолига юридик ёрдам олишда қулайликлар яратилишига яхши омил бўлади.

Жиноят процессида инсон ҳуқуқларини мустаҳкам кафолатлаш учун жиноят-судлов ишлари юритилишида адвокатлар иштирокини сифат жиҳатдан яхшилаш муҳим аҳамиятга эга. Бу эса ўз навбатида адвокатдан юқори касбий малакага эга бўлишни, жиноят процессида унинг процессуал мавқеи кенг бўлишини тақозо этади. Фармонда айнан шу меъёр белгиланган, яъни жиноят процессида айблов ва ҳимоя тарафларининг процессуал ҳуқуқлари тенглигини таъминлаш уқтирилган.

Аввалги қонунчиликда айрим тоифадаги шахсларга ва ижтимоий жиҳатдан кам таъминланган аҳоли қатламига жиноят ишлари бўйича дастлабки тергов ва суд жараёнларида давлат маблағлари ҳисобидан адвокатлик ёрдамини кўрсатиш белгиланган эди. Яъни қонунда ўрнатилган асосларга кўра фуқаро ўзини ҳимоя қилиш учун адвокат ёлламоқчи бўлса-ю, лекин бунинг учун унда маблағ бўлмаса, ишга адвокат жалб этилиб, унинг хизмат ҳақи терговчи, прокурорнинг қарори ва суднинг ажрими билан давлат ҳисобидан тўлаб бериларди. Ушбу мақсадларга ажратилаётган маблағларнинг манбаи сифатида маҳаллий ҳокимият органлари харажатларидан ортиб қоладиган даромадлар қисми кўрсатилган. Лекин баъзида у ёки бу сабабларга кўра мазкур манбадан пул маблағлари етарли ажратилмаслиги боис адвокатларга давлат ҳисобидан қатнашган ишлари учун ўз вақтида меҳнат ҳақи тўлашда айрим муаммолар учраб турган.

Шунингдек, соҳани тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларда адвокат дам олиш кунлари ишлагани учун ёки шу иш бўйича сафарга чиқиб хизмат вазифасини бажаргани учун меҳнат қонунчилигида белгиланган миқдорда иш ҳақи тўлаш ва хизмат сафари харажатларини қоплаш нормалари ўз аксини топмаган эди.

Мазкур масалаларни ҳал этиш мақсадида Фармонда адвокатлар томонидан фуқароларнинг айрим тоифаларига кўрсатилган ҳуқуқий ёрдам учун давлат ҳисобидан ҳақ тўлаш механизмини қайта кўриб чиқиш бўйича таклифлар киритиш вазифаси мутасадди ташкилотларга юклатилди.

Яна бир масала – Фуқаролик процессуал кодексида белгиланган вакиллик институтини такомиллаштириш зарурияти аллақачон пишиб етилган. Чунки баъзи ҳолларда ножўя ҳаракатлари учун ишдан бўшатилган юристлар, юридик маълумотга эга бўлмаган шахсларнинг айрим гуруҳлари маъмурий ташкилотлар, фуқаролик ва хўжалик судларида вакилликни ўзларига доимий касб қилиб олиб, уни даромад манбаига айлантириб олишган. Мазкур шахсларда касбий тайёргарликнинг йўқлиги ва касб этикаси қоидаларига риоя этилмаслиги сабаб, улар томонидан фуқароларга кўрсатиладиган юридик ёрдамни ҳам малакали деб айтиш қийин, албатта. Бундан ташқари, суд ишларида иштирок этаётган аксарият вакилларнинг хатти-ҳаракатлари одоб-ахлоқ нормаларига тамоман зид келиб қолган вазиятларни кўп учратганмиз. Шу боис Фармонда «ҳуқуқшунослик соҳасида махсус билимга эга бўлмаган шахсларнинг суд ишида иштирок этишига йўл қўйилмасликка қаратилган тарафлар вакиллиги институтини босқичма-босқич такомиллаштириш» муҳим вазифалардан бири сифатида эътироф этилган.

Бугунги кунда республикамизнинг барча шаҳар ва туманларида аҳолига малакали ёрдам кўрсатиб келаётган юридик маслаҳатхоналар мавжуд. Улардаги адвокатларнинг аксарият қисми ўз соҳасининг билимдони бўлиб, бой амалий тажрибага эга. Эътироф этиш зарур, аҳолига тайинлов асосида кўрсатилаётган юридик ёрдамнинг салмоқли қисми ҳам ана шулар зиммасига тўғри келади. Мазкур тузилма юридик шахс мақомига эга бўлмай, адвокатлик фаолиятининг ташкилий шакли сифатида адвокатлар ҳайъатларининг таркибига киритилган. Аммо суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган бугунги ислоҳотлар аҳолига ҳуқуқий ёрдам кўрсатилишида қонунчилик ҳужжатларидан фойдаланишнинг замонавий (компьютерлашган ахборот тизими ва алоқа воситаларидан фойдаланиб тезкор кўрсатиладиган юридик ёрдам кўрсатиш) усулларини қўллашни тақозо этмоқда. Лекин аксарият адвокатлар ҳайъатларининг юридик маслаҳатхоналарини зарур жиҳозлар билан таъминлаш ва таъмирлаш ишларини олиб бориш, шунингдек уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга молиявий имкониятлар етарли эмас.

Шу боис республика туман ва шаҳарларида юридик маслаҳатхоналарни ташкил этиш

4-бетда

# АДВОКАТУРАНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ – ДАВР ТАЛАБИ



3-бетда

йўли билан аҳолининг юридик ёрдамга бўлган талабини қондириш вазифасининг янги ташкил этилаётган Адвокатлар палатаси зиммасига юклатилиши мазкур маслаҳатхоналар самарали ишлашига йўл очиб беради.

Фармонда белгиланган Адвокатлар палатаси томонидан адвокатура фаолияти тўғрисидаги статистик маълумотларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва адвокатларнинг ижобий иш тажрибасини оммалаштириш ҳамда адвокатлик тузилмаларига услубий ёрдам кўрсатиш пировард натижада адвокатура институти мавқеини оширишга, унинг фуқаролик жамиятининг кучли институтларидан бири сифатида ривожланишига олиб келади.

«Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 2-моддасида адвокатлик фаолиятининг асосий принципларидан бири сифатида «Касб этикасига, адвокатлик сири ва қасамёдга қатъий риоя этиш» белгиланган. 1997 йил 1 августда Ўзбекистон Адвокатлар ассоциацияси съездида қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси адвокатлар касб этикаси Қоидалари» ихтиёрий аъзоликка асосланган Ассоциация томонидан тасдиқланганлиги сабаб, республикадаги барча адвокатларнинг касбий қоидаларга риоя қилиши устидан самарали назорат ўрнатишга амалда имкон бўлгани йўқ.

Шунингдек, адвокатура соҳасига оид халқаро андозаларга мувофиқ, адвокатга нисбатан интизомий иш адвокат томонидан кўриб чиқилиши, яъни адвокатга интизомий таъсир чорасини қўллайдиган орган адвокатура тизимида ташкил этилиши белгиланган. Эски қонунчиликка биноан бундай орган ижро этувчи ҳокимият органи тизимида тузилган.

Фармонда «адвокатлар томонидан касб этикаси қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш механизми ва адвокатларга нисбатан интизомий иш юритиш тизимини такомиллаштириш» вазифасининг белгиланиши юқорида таъкидланган муаммоларнинг ечимини топишга ёрдам беради.

Адвокатлик касбининг обрў ва нуфузини ошириш кўп жиҳатдан нафақат давлат томонидан қабул қилинадиган ҳуқуқий асосларнинг такомиллашуви, балки мазкур касб эгаларининг умум манфаат йўлида бирлашувига, касбий стандартларга амал қилишига ҳамда соҳани ривожлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатига ҳам боғлиқ.

Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон Республикасида Адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонини ва унда Ўзбекистон Адвокатлар ассоциацияси негизида Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасини ташкил этиш ва унинг ҳуқуқий вориси сифатида белгиланишини Ассоциация аъзолари адвокатура тарихида нишонланадиган шонли воқеа сифатида қабул қилдилар, десам муболаға бўлмайди. Чунки у республикамиздаги барча адвокатларнинг корпоратив бирлигини таъминлашга ҳуқуқий замин яратди.

Фармонда Адвокатлар палатаси нотижорат ташкилот мақомига эга бўлиши, жойларда ҳуқуқий тузилмаларнинг ташкил этилиши ва у адвокатуранинг ўзини ўзи бошқарадиган ягона касбий бирлашмаси эканлиги, адвокатларнинг касбий фаолиятига тааллуқли ички ишларига аралашмаслик тамойили асосида фаолият олиб бориши лозимлиги белгиланган.

Фикримизга умумий хулоса ясайдиган бўлсак, Фармонда белгиланган муҳим вазифаларнинг амалга оширилиши:

биринчидан, барча адвокатлик тузилмалари фаолиятини мувофиқлаштирувчи, марказлашган ягона тизим шаклланишига ҳуқуқий замин яратади;

иккинчидан, адвокатлик тузилмалари ташкилий шакллари устидан ягона бошқарувни ташкил этиш, адвокатларнинг фаолият уйғунлиги, корпоратив бирлигини таъминлаш ҳамда касб одоби қоидаларига риоя этилиши ва кўрсатилаётган юридик ёрдамнинг сифатини назорат қилишнинг самарали механизмини вужудга келтиради;

учинчидан, аъзолардан мунтазам равишда келиб тушадиган аъзолик бадаллари адвокатуранинг моддий-техника таъминоти, адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси, уларнинг касб малакаларини ошириш билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий масалаларини мустақил ҳал этишга имкон беради;

тўртинчидан, аҳолига янада сифатли юридик ёрдам кўрсатиш таъминланади ҳамда жамиятда адвокатуранинг роли ва мавқеи ошади.

Суд-ҳуқуқ соҳасида давом этаётган узлуксиз ислоҳотлар адвокатура тизимини ҳам бугунги кун талаби даражасида ривожлантириш ҳамда соҳага оид қонунларни доимий равишда такомиллаштириб боришни тақозо этмоқда. Зеро кучли, мустақил адвокатура тизими фуқаролик жамиятида шахс ҳуқуқ ва эркинлиги ҳимоясининг муҳим кафолатидир.

***Бобирбек УСМАНОВ,***
***Адлия вазирлиги Нотариат, ФҲДЁ ва адвокатура бошқармаси бошлиғининг ўринбосари.***

• РЕКЛАМА

## ҚОНУНДА НАЗАРДА ТУТИЛГАН БИЛДИРУВНОМА

Қўшма Штатлардан ташқаридаги шахслар: низони қуйидагича ҳал қилиш сизнинг манфаатларингизга дахл қилиши мумкин, зеро у Қўшма Штатлардан ташқарида нашр этилган китобларда АҚШ муаллифлик ҳуқуқи бўйича фоиз улушларини ўз ичига олади. Агар сиз китобларда ёки бундай китобларда бошқа материалларда ана шундай фоиз улушларига эга бўлсангиз, агар мабодо белгиланган муддатга келиб унда иштирок этишдан воз кечмасангиз, ушбу ҳал қилиш сизнинг зиммангизга юридик мажбуриятларни юклайди.

### АГАР СИЗ МУАЛЛИФ, НОШИР ЁКИ КИТОБ ЁХУД БОШҚА АДАБИЙ АСАРДА МУАЛЛИФ ҲУҚУҚИГА ЭГА БЎЛГАН ЎЗГА БИР ШАХС БЎЛСАНГИЗ,

### GOOGLE КОМПАНИЯСИ АМАЛГА ОШИРАЁТГАН, КИТОБЛАР ВА БОШҚА АДАБИЙ АСАРЛАРНИ СКАНЕРДАН ЧИҚАРИШ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШГА НИСБАТАН ЖАМОА ДАЪВОСИНИ ҲАЛ ҚИЛИШ СИЗНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНГИЗГА ДАХЛ ЭТИШИ МУМКИН.

Муаллифлар ва ноширлар жамоа даъвоси бериб, Google муаллифлик ҳуқуқи билан муҳофаза қилинадиган китоблар ва қўшимчаларни сканердан чиқариб, шунингдек рухсат олмаган ҳолда улардан парчаларни кўрсатиб, муаллифлар, ноширлар ва муаллифлик ҳуқуқи бошқа эгаларининг («Ҳуқуқ эгалари»нинг) муаллифлик ҳуқуқини бузди деб даъво қилдилар. Google бу даъволарни инкор этмоқда. Тарафлар мазкур низони ўзаро келишиб ҳал этишга рози бўлишди. Мазкур материал эришилган келишув тўғрисида асосий материални ўз ичига олади. Қуйида «Китоблар» ва «Қўшимчалар»нинг тавсифи келтирилади.

**Бу келишув нимани назарда тутади?**

Эришилган сулҳ келишуви, агар уни суд маъқулласа, Google га Қўшма Штатларда муаллифлик ҳуқуқи билан муҳофаза қилинадиган китоблар ва қўшимчаларни сканердан чиқариш ҳамда мазкур Китобларнинг электрон базасини тутиб туриш имконини беради. Чоп этиб бўлинган Китобларга келсак ва Ҳуқуқ эгаларидан босмада бўлган Китобларга рухсат олинган тақдирда, Google ҳақ эвазига ушбу Китоблардан фойдаланиш имконини бериш, турли ташкилотларга маълумотлар базасига обунани сотиш, бирор-бир Китобга мўлжалланган исталган саҳифада реклама жойлаштириш, шунингдек Китобдан бирор-бир бошқа тижорат усулида фойдаланиш Ҳуқуқига эга бўлади. Ҳуқуқ эгалари исталган вақтда Google нинг бундай фойдаланишга доир кўрсатмаларини ўзгартира оладилар. Келишув натижасида шакллантирилиши мумкин бўлган Китобга ҳуқуқлар реестри («Реестр») ёрдамида Google Ҳуқуқ эгаларига бундай фойдаланишдан олинадиган барча даромадларнинг 63%ини ажратади.

Бундан ташқари, Google Реестрни шакллантириш ва ундан бошланғич босқичда фойдаланиш, шунингдек хабардор этиш ва ҳал қилиш билан боғлиқ маъмурий харажатларни қоплаш учун 34,5 миллион доллар ҳамда сканердан чиқаришни Google ҳал қилишда иштирок этишдан воз кечиш учун белгиланган энг охирги санагача амалга ошириладиган Китоблар ва Қўшимчаларга Ҳуқуқ эгаларига тўлашга пул маблағлари кўринишида яна камида 45 миллион доллар тақдим этади.

**Ҳал қилишда кимлар иштирок этади?**

Жамоа даъвосини ҳал қилиш бутун дунёдаги, АҚШ муаллифлик ҳуқуқи бўйича бирор-бир китоб ёки қўшимчада фоиз улуши тегишли бўлган барча шахсларни ўз ичига олади. **«АҚШ муаллифлик ҳуқуқи бўйича фоиз улуши» тушунчаси кенг маънога эга. Қаерда яшашингиздан қатъи назар, марҳамат қилиб, сиз ушбу ҳал қилишга дахлдор ёки дахлдор эмаслигингизни аниқлаш учун** Билдирувномани батафсил ўқиб чиқинг. Иккита Кичик гуруҳ мавжуд:

● Муаллифлар кичик гуруҳи (Китоблар ва бошқа адабий асарларнинг муаллифлари, шунингдек уларнинг ворислари, меросхўрлари ва ҳуқуқий ворислари) ва

● Ноширлар кичик гуруҳи (Китоблар ва даврий нашрларнинг ноширлари, шунингдек уларнинг ворислари ва ҳуқуқий ворислари).

**Қандай материаллар келишувнинг амал қилишига жавоб беради?**

«Китоблар» тушунчаси муаллифлик ҳуқуқи билан муҳофаза қилинадиган, босма форматда 2009 йилнинг 5 январда ёки ундан аввал чоп этилган ёхуд тарқатилган романлар, дарсликлар, диссертациялар ва бошқа асарлар сингари ёзма ишларни ўз ичига олади. АҚШ асарлари ҳал қилиш бўйича келишувга киритилиши учун улар АҚШнинг муаллифлик ҳуқуқлари агентлигида рўйхатдан ўтказилиши керак. «Китоблар» тушунчаси даврий нашрлар, шахсий қоғозлар, ноталар кўринишида ёзиб олинган мусиқа, шунингдек ҳаммабоп ёки ҳукумат идоралари томонидан тайёрланган рисолаларни ўз ичига олмайди.

«Қўшимчалар» тушунчаси, агар улар мустақил равишда АҚШ муаллифлик ҳуқуқи билан қўриқланса ва Китобда ёки ҳукумат идораси томонидан тайёрланган рисолада ёхуд 2009 йилнинг 5 январида ёки ундан аввал чоп этилган ҳаммабоп китобда, АҚШ асарлари билан боғлиқ бўлса, АҚШнинг муаллифлик ҳуқуқлари агентлигида рўйхатдан ўтказилган (мустақил равишда ёки бошқа асарнинг бир қисми сифатида) бўлса, муқаддима, очерклар, шеърлар, кўчирмалар, хатлар, қўшиқ сўзлари, болалар учун китобларга расмлар, ноталар кўринишида ёзиб олинган мусиқа, чизмалар ва графиклар сингари исталган матнлар ва бошқа материалларни ўз ичига олади. Қўшимчалар тушунчаси тасвирий асарларни (болалар Китоблари учун расмлардан ташқари) ёки бирор-бир ҳаммабоп ёхуд ҳукумат идоралари томонидан тайёрланган рисолаларни ўз ичига олмайди.

**Билдирувномада ушбу атамаларнинг батафсилроқ тавсифи, шунингдек ҳал қилиш тўғрисида бошқа муҳим ахборот берилган.**

**Мен нима қилишим керак?**

Марҳамат қилиб, http://www.googlebooksettlement.com манзилида жойлашган бутун Билдирувномани ўқиб чиқинг. Қуйидагиларни қилиш керак ёки керак эмаслиги тўғрисида бир қарорга келинг:

● Ҳал қилишда иштирок этиш. Бундай қарорга келган тақдирда, Суд қарорини бажаришга, шу жумладан Google га нисбатан ўз даъволарингиздан воз кечишга мажбур бўласиз.

● Ҳал қилишга қарши чиқиш ёки бу хусусидаги ўз мулоҳазаларингизни тақдим этиш. Сиз ўз эътироз/мулоҳазаларингизни **2009 йилнинг 5 майигача** ёзма шаклда тақдим этишингиз керак.

● Ҳал қилишда қатнашишдан воз кечиш ва Google га нисбатан даъвони якка тартибда қўзғатиш ҳуқуқингизни сақлаб қолиш. Сиз даъводан воз кечишингиз тўғрисида **2009 йилнинг 5 майигача** ёзма шаклда баёнот беришингиз керак.

● Пул компенсациясини олишга даъво топшириш (агар бунга ҳақли бўлсангиз). Сиз бундай даъвони **2010 йилнинг 5 январигача** беришингиз керак.

Суд иккала Кичик гуруҳ манфаатларини ҳимоя қиладиган Адвокат тайинлади. Суд томонидан эришилган келишув маъқулланган тақдирда, Муаллифлар кичик гуруҳи вакили бўлган Адвокат адвокатлик гонорари олиш ва чиқимларни қоплаш учун мурожаат қилади, уларни Google тўлашга рози бўлди. Сиз ҳам ўз ҳисобингиздан ўзингизга адвокат ёллашингиз мумкин.

**Суд 2009 йил 11 июнда соат 13.00 да** бўлиб ўтадиган холис муҳокамалар мобайнида эришилган келишув битимини маъқуллаш масаласи бўйича ҳал қилув қарорини қабул қилади.

**Барча ахборотни, шу жумладан тўлиқ Билдирувномани қуйидаги манбаға кириб олишингиз мумкин: http://www.googlebooksettlement.com**
**Қуйидаги рақамга қўнғироқ қилинг: бепул 8 (сигнални кутинг) 641 7440010 (сигнални кутинг) 888.839.1909 (ҳамма жойда эмас) ёки 8 (сигнални кутинг) 10 1.612.359.8600**
Қуйидаги манзилга ёзинг: Google Book Search Settlement Administrator, c/o Rust Consulting, P.O. Box 9364, Minneapolis, MN 55440-9364 UNITED STATES OF AMERICA

# ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:

• **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ**

– «Касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этиш ва ўтказишни такомиллаштириш тўғрисида».

• **ИДОРАВИЙ-МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАР:**

– ЎзР Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг «Хўжалик юритувчи субъектнинг 35 фоиздан ортиқ акциялари, улушларини олиш устидан назорат қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарори;

– ЎзР Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказининг «Хўжалик юритувчи субъектнинг 35 фоиздан ортиқ акцияларини сотиб олиш устидан назорат қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақидаги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги қарори;

– ЎзР Халқ таълими вазирлиги, МВнинг «Ота-оналар томонидан болаларнинг мусиқа ва санъат мактабларида ўқиши учун ҳақ тўлаш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори;

– Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директорининг «Мобиль алоқа хизматларини кўрсатиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи.

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ*

## КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ АМАЛИЁТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎТКАЗИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2009 йил, 7-сон, 71-модда)*

«Таълим тўғрисида», «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 1998 йил 13 майдаги 204-сон қарорига мувофиқ, малакали мутахассислар тайёрлашнинг юқори сифатини ва уларнинг амалий кўникмаларни янада самарали эгаллашини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари томонидан корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда ишлаб чиқариш амалиётини ўташ тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари касб-ҳунар коллежлари билан корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ўртасида уларда ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш амалиётини ўтказиш юзасидан шартномалар тузишда кўмаклашсинлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, тасарруфида касб-ҳунар коллежлари бўлган вазирликлар ва идоралар:

касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари томонидан ишлаб чиқариш амалиётини тасдиқланган Низомга мувофиқ ўташ тартибининг ҳар бир туман (шаҳар) ҳокимлигига, ҳар бир касб-ҳунар коллежи, корхона, муассаса ва ташкилот раҳбарларига етказилишини бир ой муддатда таъминласинлар;

касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда ишлаб чиқариш амалиётини ўтказишнинг зарур даражада, сифатли ташкил этилиши юзасидан режали назоратни амалга оширсинлар;

касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этиш ва ўтказишнинг аҳволи юзасидан мунтазам равишда мониторинг олиб борсинлар, уни ўргансинлар ва таҳлил қилсинлар.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С.Қосимов зиммасига юклансин.

***Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири***
**Ш.МИРЗИЁЕВ.**

*Тошкент ш.,*
*2009 йил 11 февраль*
*40-сон.*

*Вазирлар Маҳкамасининг*
*2009 йил 11 февралдаги 40-сон қарорига*
*ИЛОВА*

## КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ ЎҚУВЧИЛАРИ ТОМОНИДАН КОРХОНАЛАР, МУАССАСАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАРДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ АМАЛИЁТИНИ ЎТАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

### I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу Низом касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари томонидан корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда ишлаб чиқариш амалиётини ўташ тартибини белгилайди.

2. Касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг (кейинги ўринларда ўқувчилар деб аталади) корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда ишлаб чиқариш амалиётини ўташи ўрта махсус, касб-ҳунар таълими асосий таълим дастурининг таркибий қисми ҳисобланади.

3. Назарий таълим бериш жараёнида ўқувчилар томонидан олинган билимларни мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш, олинадиган мутахассислик бўйича зарур лаёқатга, кўникмаларга ва амалий иш тажрибасига эга бўлиш ишлаб чиқариш амалиётининг мақсади ҳисобланади.

4. Ишлаб чиқариш амалиёти ўқувчиларни меҳнат фаолиятига тайёрлаш шаклларидан бири ҳисобланади ҳамда уларни ишлаб чиқариш шароитларида олинган касб-ҳунар бўйича кўникмалари ва билимларини мустақил равишда қўллашга, ўқув дастурларида назарда тутилган ишларни сифатли ва унумли бажаришга ўргатишни вазифа қилиб

қўяди.

5. Ўқувчиларнинг корхоналар, муассасалар ва ташкилотлардаги ишлаб чиқариш амалиёти Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланадиган ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг тармоқ таълим стандартига мувофиқ амалга оширилади.

6. Ишлаб чиқариш амалиёти ўқувчиларнинг касб-ҳунар коллежи билан корхона, муассаса ёки ташкилот ўртасидаги шартнома асосида ишлаб чиқариш ёки техник жараёнда мунтазам ва бевосита қатнашиши йўли билан ўтказилади.

7. Касб-ҳунар коллежи тармоқ ихтисослашувидан келиб чиққан ҳолда тегишли корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилади ҳамда ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этади.

8. Ишлаб чиқариш амалиёти, қоидага кўра, корхона, муассаса ёки ташкилотнинг ихтисослашувига боғлиқ ҳолда ушбу мақсад учун махсус ажратилган, ўқувчилар ўқишни тугатгандан кейин ишга жойлашиши мумкин бўлган ўқув-ишлаб чиқариш жойларида ўтказилади.

## II. КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ, КОРХОНАЛАР, МУАССАСАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ АМАЛИЁТИНИ ЎТКАЗИШДАГИ ФАОЛИЯТИ

9. Касб-ҳунар коллежлари ишлаб чиқариш амалиётини сифатли ташкил этиш ва муваффақиятли ўтказиш учун ўқув дастурларига мувофиқ ўқувчиларни олдиндан назарий жиҳатдан тайёрлашни таъминлайдилар, ўқувчилар томонидан техника хавфсизлиги, меҳнатни муҳофаза қилиш ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларининг пухта·ўрганилишини ташкил қиладилар.

10. Касб-ҳунар коллежлари ишлаб чиқариш амалиёти бошланишидан кечи билан бир ой олдин корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар билан уларнинг базасида ишлаб чиқариш амалиётини ўтказиш тўғрисида шартнома тузадилар.

Шартномада касблар бўйича ўқувчилар сони, ишлаб чиқариш амалиётини ўтказиш муддатлари ва ҳар бир ўқувчининг ишлаб чиқариш амалиёти дастурида назарда тутилган барча иш турларини мустақил равишда бажаришга ўрганиши учун ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш ёки техник фаолиятнинг бир туридан бошқасига ўтиш жадвали белгиланади.

11. Касб-ҳунар коллежи ишлаб чиқариш амалиёти вақтида:

ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш асбоб-ускуналарига, жиҳозларга, мосламаларга ва бошқа меҳнат анжомларига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишини;

хом ашё, материаллар ва электр энергиясининг тежамли сарфланишини;

ўқувчилар томонидан корхона, муассаса ва ташкилотнинг тегишли маъмурий ва ишлаб чиқариш ходими кўрсатмалари ва фармойишлари бажарилишини таъминлаши шарт.

12. Касб-ҳунар коллежи:

ишлаб чиқариш таълими усталарига ёки ишлаб чиқариш амалиёти раҳбари бўлган ўқитувчиларга уларни амалиёт ўтказиладиган жойларга юборишда хизмат сафари харажатларининг қонун, ҳужжатларида белгиланган тартибда тўланишини;

ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш амалиётини ўтказиш режаларида назарда тутилган экскурсияларини ташкил этиш бўйича харажатларнинг тўланишини таъминлайди.

13. Касб-ҳунар коллежи ишлаб чиқариш амалиётига услубий раҳбарликни, ўқув дастурларида назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида бажарилишини, шунингдек кўрсатиб ўтилган тадбирларнинг ўқувчилар томонидан бажарилишини ва улар бажарган ишларнинг техник шартларга мувофиқлигини текширишни амалга оширади.

14. Корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ишлаб чиқариш амалиёти даврида қуйидагиларга мажбур:

ўқувчилар учун хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш ва улардан олинадиган мутахассислик билан боғлиқ бўлмаган, шунингдек зарарли меҳнат шароитларида фойдаланишга йўл қўймаслик;

ўқувчиларни ишлаб чиқариш бинолари, тренинг кабинетлари, зарур материаллар, асбоб-ускуналар, техник ҳужжатлар билан ўз вақтида таъминлаш ва ўқувчиларнинг янги ишлаб чиқариш технологияларини, юқори унумли иш методларини ўзлаштириши учун зарур шарт-шароитлар яратиш;

ўқувчиларга йўл-йўриқлар беришни ва ишлаб чиқариш амалиётига техник раҳбарликни ташкил этиш, касб-ҳунар коллежининг педагог ходимларига ишлаб чиқариш амалиётини ўтказишда ёрдам кўрсатиш учун шарт-шароитлар яратиш;

ўқувчиларга ишлаб чиқариш амалиёти даврида тегишли мутахассисликлар ва касблар ишчилари учун назарда тутилган махсус кийим-бошлар, якка тартибда ҳимояланиш воситалари бериш;

зарур ҳолларда ўқувчиларни ишлаб чиқариш амалиёти ўтадиган жойга етказишни ва у ердан олиб келишни таъминлаш;

ўқувчилар бажарган ишларни ушбу корхона, муассаса ва ташкилотда белгиланган тартибда ҳисобга олиш ва қабул қилиш;

ишлаб чиқариш амалиёти тугагач ҳар бир ўқувчига унинг ишлари сифатини, эришган натижаларини, ишга муносабатини, шунингдек унга бериш учун тавсия этилаётган тариф разрядини кўрсатган ҳолда ишлаб чиқариш тавсифномаси бериш.

## III. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ АМАЛИЁТИНИ ЎТКАЗИШ БОСҚИЧЛАРИ

15. Назарий жиҳатдан ўқитиш, ўрганилаётган мутахассислик бўйича зарур лаёқатни, кўникмаларни ва амалий иш тажрибани эгаллаш жараёнида ўқувчилар олган билимларни мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш мақсадида:

касб-ҳунар бўйича бошланғич лаёқат ва кўникмаларни олиш бўйича — ўқув амалиёти;

мутахассислик соҳаси бўйича — ишлаб чиқариш амалиёти;

диплом ишини бажаришдан олдинги малака ошириш (тажриба орттириш) амалиёти ўтказилади.

16. Ўқув амалиёти ўқувчиларни касб бўйича умумий ва махсус фанларни онгли ва пухта ўрганишга тайёрлаш, уларнинг танланган мутахассислик бўйича амалий касб лаёқати ва кўникмаларини эгаллаши учун ўтказилади.

17. Ишлаб чиқариш амалиёти корхона, муассаса, ташкилот фаолиятини ўрганиш ва бошланғич амалий тажрибага эга бўлиш асосида махсус фанларни ўрганишда олинган билимларни мустаҳкамлашга, кенгайтиришга, чуқурлаштиришга ва тизимлаштиришга йўналтирилган.

18. Ўқувчиларнинг диплом ишини бажаришдан олдинги амалиёти ўқитишнинг якунловчи босқичи ҳисобланади ва уларнинг бошланғич касб тажрибасига ва малакага эга бўлиши, ўқувчиларнинг мустақил равишдаги меҳнат фаолиятига касб бўйича тайёрлигини текшириш ҳамда диплом лойиҳаси (иши)га зарур материаллар тўплаш мақсадида ўтказилади.

19. Ўқувчиларнинг тажриба орттириши диплом ишини бажаришдан олдинги амалиётни ўтказиш турларидан бири ҳисобланади ва якуний давлат аттестациясида диплом лойиҳаси (иши)ни бажариш назарда тутилмаган ҳолларда ўтказилади.

## IV. АМАЛИЁТНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

20. Амалиётни ташкил этиш унинг барча босқичларида:

олинадиган мутахассислик ва бериладиган малакага мувофиқ ўқувчиларни тайёрлашнинг зарур ва етарли даражасига бўлган талабларнинг бажарилишига;

ўқувчилар томонидан ишлаб чиқариш амалиёти дастурига мувофиқ касб (меҳнат) фаолияти кўникмаларини эгаллашнинг узлуксизлиги ва изчиллигига йўналтирилган.

21. Ишлаб чиқариш амалиёти барча босқичларининг мазмуни ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг тармоқ таълим стандартига мувофиқ ишлаб чиқиладиган ишлаб чиқариш амалиётининг намунавий дастурида белгиланади.

22. Ўқув амалиёти ўқув, ўқув-ишлаб чиқариш устахоналарида, ўқув хўжаликларида, ўқув-тажриба участкаларида ва касб-ҳунар коллежининг ёки корхона, муассаса, ташкилотнинг бошқа ёрдамчи объектларида ўтказилади.

23. Ўқув амалиёти, қоидага кўра, ишлаб чиқариш таълими усталари томонидан ўтказилади. Ўқув амалиёти фанларни (геодезия, педагогика, тиббиёт ва бошқа фанларни) ўрганишнинг давоми ҳисобланадиган ҳолларда у махсус

фанларнинг ўқитувчилари томонидан ўтказилади. Ўқув амалиётлари рўйхати касб-ҳунар коллежи томонидан белгиланади.

24. Ишлаб чиқариш амалиёти:

ишлаб чиқариш таълими дарслари;

амалий машғулотлар;

тайёрлаш технологияси ишлаб чиқариш амалиёти дастури талабларига жавоб берадиган товар маҳсулотларни ўқувчилар томонидан тайёрлаш бўйича ишлаб чиқариш фаолияти;

ўқувчиларнинг тажриба-эксперимент, конструкторлик, ихтирочилик ишларида қатнашиши шаклларида ўтказилади.

25. Ишлаб чиқариш амалиётини ўтказиш муддатлари касб-ҳунар коллежи томонидан, ўқувчиларнинг назарий жиҳатдан тайёрланганлигини ва касб-ҳунар коллежларининг (устахоналар, ўқув полигонларининг), ўқув-ишлаб чиқариш базасининг, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг имкониятларини ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

26. Ишлаб чиқариш амалиёти узлуксиз циклда, шунингдек амалиёт мазмуни билан назарий ўқитиш ўртасидаги алоқа таъминланган тақдирда кунлар (ҳафталар) бўйича назарий машғулотлар билан навбатма-навбат ўтказиш орқали амалга оширилиши мумкин.

27. Ишлаб чиқариш амалиётини ўтказиш учун жойлар касб-ҳунар коллежлари билан корхоналар, муассасалар ёки ташкилотлар ўртасида тузиладиган шартномалар асосида белгиланади.

28. Корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ўқувчиларга ҳақи тўланадиган иш жойлари, мустақил объектлар, ишлаб чиқариш амалиёти дастурларига мувофиқ ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш фаолиятини таъминлайдиган участкалар бериш ҳуқуқига эга.

29. Касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда ишлаб чиқариш амалиётини ўташда қуйидагиларга мажбур:

ишлаб чиқариш амалиёти дастурида назарда тутилган топшириқларни тўлиқ бажариш;

корхона, муассаса ёки ташкилотнинг ички меҳнат тартиби қоидаларига риоя қилиш;

техника хавфсизлиги, меҳнатни муҳофаза қилиш ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларини ўрганиш ва уларга қатъий риоя қилиш.

30. Баҳо ва (ёки) синов ишлаб чиқариш амалиёти ҳар бир босқичининг натижаси ҳисобланади.

31. Ишлаб чиқариш амалиётининг касб-ҳунар коллежидаги раҳбарлари:

корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар билан биргаликда ишлаб чиқариш амалиётининг иш дастурини тузадилар;

якка тартибдаги топшириқлар мавзусини ишлаб чиқадилар;

ўқувчиларни мутахассисликлар бўйича тақсимлашда ёки уларни иш турлари бўйича бир жойдан иккинчи жойга ўтказишда қатнашадилар;

амалиёт даврида ўқувчилар меҳнатидан тўғри фойдаланилишини назорат қиладилар;

ўқувчилар томонидан якка тартибдаги топшириқларни бажаришда ва диплом лойиҳаси (иши)га материаллар тўплашда уларга услубий ёрдам кўрсатадилар;

ўқувчилар томонидан ишлаб чиқариш амалиёти дастурининг бажарилиши натижаларини баҳолайдилар.

32. Корхона, муассаса ёки ташкилотнинг раҳбари ёхуд унинг ўринбосари ёки етакчи мутахассислардан бири ишлаб чиқариш амалиётига умумий раҳбарлик қилади.

33. Ўқувчиларнинг ҳисобот бериш шакли касб-ҳунар коллежи томонидан белгиланади.

---

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОНОПОЛИЯДАН ЧИҚАРИШ, РАҚОБАТ ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНИНГ ҚАРОРИ*

# ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТНИНГ 35 ФОИЗДАН ОРТИҚ АКЦИЯЛАРИ, УЛУШЛАРИНИ ОЛИШ УСТИДАН НАЗОРАТ ҚИЛИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ ЙЎРИҚНОМАНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА*

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 5 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1896.***

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2009 йил, 6-сон, 62-модда)*

«Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси, 1996 й., № 2, 54-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 2 майдаги ПҚ–66-сонли қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 17-18-сон, 130-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси тўғрисидаги низомга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси **қарор қилади:**

1. Илова қилинаётган «Хўжалик юритувчи субъектнинг 35 фоиздан ортиқ акциялари, улушларини олиш устидан назорат қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома» тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

***Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раиси в.б. Б.УЛАШОВ.***

*Тошкент ш.,*
*2008 йил 29 декабрь*
*17-сон.*

***2009 йил 15 февралдан кучга киради.***

*Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг 2008 йил 29 декабрдаги 17-сон қарори билан ТАСДИҚЛАНГАН*

## ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТНИНГ 35 ФОИЗДАН ОРТИҚ АКЦИЯЛАРИ, УЛУШЛАРИНИ ОЛИШ УСТИДАН НАЗОРАТ ҚИЛИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА ЙЎРИҚНОМА

Мазкур Йўриқнома «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисидаги» Ўзбекистон Республикасининг Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 2-сон, 54-модда) мувофиқ инвестор томонидан хўжалик юритувчи субъектнинг устав капиталидаги овоз ҳуқуқига эга бўлган

35 фоиздан ортиқ акцияларини, улушларини олишда монополияга қарши қонун ҳужжатларига риоя қилиниши устидан назорат қилиш тартибини белгилайди.

### I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Мазкур Йўриқнома мақсадида қуйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

**инвестор** — хўжалик юритувчи субъект акцияларини, улушларини ўз номидан ва ўз ҳисобидан олувчи юридик ва жисмоний шахс, шунингдек хўжалик юритувчи субъект акцияларини, улушларини олаётган шахслар гуруҳи;

**35 фоиздан ортиқ акцияларни, улушларни олиш** — инвесторга хўжалик юритувчи субъект акцияларининг, улушларининг жами 35 фоиздан ортиғига эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ва тасарруф этиш имкониятини берадиган олди-сотди, айирбошлаш, ҳадя, ишончли бошқариш ва бошқа битимларни тузиш;

**хўжалик юритувчи субъект** — устав фонди муассисларнинг (иштирокчиларнинг) акцияларига, улушларига бўлинган тижоратчи ташкилот.

2. Йўриқноманинг амал қилиши қуйидагиларга татбиқ этилмайди:

а) имтиёзли акцияларни олишга, агар хўжалик юритувчи субъектнинг уставига кўра улар овоз бериш ҳуқуқига эга бўлмаса;

б) хўжалик юритувчи субъектни ташкил этиш пайтида унинг муассисларига, молия-саноат гуруҳлари, холдинг компанияларини тузиш ҳоллари бундан мустасно;

в) ўзларининг акцияларини, улушларини олаётган хўжалик юритувчи субъектларга, агар қонун ҳужжатларида бошқа қоида назарда тутилмаган бўлса;

г) тегишли битимда қатнашувчи шахслар активларининг жами баланс қиймати энг кам иш ҳақининг тўрт минг баробари миқдоридан ортиқ бўлмаган ҳолларда инвестор томонидан хўжалик юритувчи субъект акцияларининг, улушларининг 35 фоиздан ортиғини сотиб олишга, агар битимнинг иштирокчиларидан бири товар бозорида устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектлар реестрига киритилган хўжалик юритувчи субъект бўлган ёки ушбу хўжалик юритувчи субъект фаолиятини назорат қилувчи бир гуруҳ шахслар сотиб олувчи бўлган ҳоллар бундан мустасно.

### II. ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТ АКЦИЯЛАРИНИНГ, УЛУШЛАРИНИНГ 35 ФОИЗДАН ОРТИҒИНИ ОЛИШ УСТИДАН НАЗОРАТ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3. Инвестор томонидан хўжалик юритувчи субъект акцияларининг, улушларининг 35 фоиздан ортиғини олиш Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ёки унинг ҳудудий органларининг (кейинги ўринларда — монополияга қарши давлат органи) олдиндан розилигини олиш йўли билан амалга оширилади.

4. Инвестор томонидан бирор-бир хўжалик юритувчи субъект акциялари, улушлари олинаётганда, илгари инвестор томонидан ушбу хўжалик юритувчи субъектдан олинган акцияларнинг, улушларнинг жами ҳисобга олинади.

5. Монополияга қарши давлат органининг розилиги билан бирор-бир хўжалик юритувчи субъект акцияларининг, улушларининг 35 фоиздан ортиғига эгалик қилаётган инвестор томонидан қўшимча равишда акцияларни, улушларни олиш, олишнинг алоҳида факти сифатида кўрилади ва олдиндан розиликни олиш асосида амалга оширилади.

Таъсисчи томонидан қўшимча равишда хўжалик юритувчи субъект акцияларининг, улушларининг 35 фоиздан ортиғининг олиниши монополияга қарши давлат органининг олдиндан розилиги асосида амалга оширилади.

Хўжалик юритувчи субъектнинг устав фонди кўпайтирилаётганда акциядор, иштирокчи ўзининг улуши миқдорини монополияга қарши давлат органи томонидан розилик берилган миқдоргача тиклаш учун акцияларни, улушларни қўшимча розиликсиз олиши мумкин.

Хўжалик юритувчи субъект томонидан ўзининг устав фондини шакллантириш учун бошқа хўжалик юритувчи субъектнинг 35 фоиздан ортиқ акцияларини, улушларини олиш монополияга қарши давлат органининг олдиндан розилиги билан амалга оширилади.

Акциядорлик жамиятини бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклда қайта ташкил этишда акциялар пакетини (улушини) қайта тақсимлаш монополияга қарши давлат органининг розилигисиз амалга оширилади.

Акциядорлик жамиятининг шакли ўзгартирилса (очиқ акциядорлик жамиятидан ёпиққа ёки аксинча), акциядорлар ўртасида акциялар пакетини қайта тақсимлаш монополияга қарши давлат органининг олдиндан розилигини олиш асосида амалга оширилади.

Хўжалик юритувчи субъектнинг устав фонди ўзгарган тақдирда, бунинг натижасида акциядор, иштирокчи мазкур Йўриқнома мақсадларида монополияга қарши давлат органининг розилиги талаб қилинадиган акцияларга, улушларга эга бўлишга киришса, акциядор, иштирокчи ушбу ўзгартиришлар вужудга келган пайтдан эътиборан ўн кунлик муддат ичида акцияга, улушга эгалик қилишга розилик олиш учун монополияга қарши давлат органига мурожаат этишга мажбур.

6. Қимматли қоғозлар билан боғлиқ битимларни рўйхатга олувчи қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари, қимматли қоғозлар савдосининг ташкилотчилари хўжалик юритувчи субъект акцияларини олиш билан боғлиқ битимни рўйхатга олишда, шунингдек таъсис ҳужжатларидаги ўзгартиришларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органлар таъсис ҳужжатларидаги ўзгартиришларни рўйхатдан ўтказишда хўжалик юритувчи субъект акцияларининг, улушларининг 35 фоиздан ортиғини олиш билан боғлиқ битимларни амалга ошириш учун монополияга қарши давлат органининг олдиндан розилигини олиш зарурлиги тўғрисида инвесторни ёзма равишда хабардор қилишга мажбурдирлар.

7. Қимматли қоғозлар билан боғлиқ битимларни рўйхатга олувчи қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари, қимматли қоғозлар савдосининг ташкилотчилари, шунингдек таъсис ҳужжатларидаги ўзгартиришларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органлар уч кунлик муддат ичида монополияга қарши давлат органини «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 15-моддасига зид битимнинг мавжудлиги тўғрисида хабардор қилишга мажбурдирлар.

Қимматли қоғозлар билан боғлиқ битимларни рўйхатга олувчи қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари, қимматли қоғозлар савдосининг ташкилотчилари, шунингдек таъсис ҳужжатларидаги ўзгартиришларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органлар инвестор томонидан монополияга қарши давлат органининг хўжалик юритувчи субъектнинг 35 фоиздан ортиқ акцияларини, улушларини олишга розилиги тўғрисидаги қарори тақдим қилинмаганда, агар мазкур Йўриқномага мувофиқ бундай розилик талаб қилинса, қимматли қоғозлар билан боғлиқ битимни ва таъсис ҳужжатларидаги ўзгартиришларни рўйхатга олишни рад этадилар.

8. Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази инвестор томонидан монополияга қарши давлат органининг розилигисиз хўжалик юритувчи субъектнинг 35 фоиздан ортиқ акциялари олинганлиги фактини аниқлаган пайтдан эътиборан беш кунлик муддат ичида бу ҳақда монополияга қарши давлат органини хабардор қилади.

9. Хўжалик юритувчи субъектнинг ваколатли шахслари хўжалик юритувчи субъект акцияларининг, улушларининг 35 фоиздан ортиғини олган инвестордан кўрсатилган акцияларнинг, улушларнинг олинишига монополияга қарши давлат органининг розилиги тўғрисидаги қарорни тақдим этишини талаб қилишга ҳақлидирлар.

Хўжалик юритувчи субъектнинг 35 фоиздан ортиқ акцияларига, улушларига эгалик қиладиган инвестор томонидан монополияга қарши давлат органининг кўрсатилган акцияларни, улушларни олинишига розилиги тўғрисидаги қарори тақдим этилмаганда, хўжалик юритувчи субъектнинг мансабдор шахслари уч кунлик муддат ичида монополияга қарши давлат органини «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 15-моддасига зид битимнинг мавжудлиги тўғрисида хабардор қилишга мажбурдирлар.

10. Депозитарийлар олувчининг депо ҳисоби бўйича

белгиланган тартибда тегишли кирим ёзувини киритган пайтдан бошлаб уч кун ичида монополияга қарши давлат органини инвестор томонидан хўжалик юритувчи субъект акцияларининг 35 фоиздан ортиғи олинганлиги факти тўғрисида хабардор қилишга мажбурдирлар.

11. Депозитарийлар монополияга қарши давлат органининг расмий сўровига кўра:

а) хўжалик юритувчи субъект акцияларининг инвестор томонидан илгари сотиб олинган миқдори тўғрисидаги ахборотни;

б) берилиши қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа ахборотларни тақдим этадилар.

### III. МОНОПОЛИЯГА ҚАРШИ ДАВЛАТ ОРГАНИНИНГ РОЗИЛИГИНИ ОЛИШ ТАРТИБИ

12. Инвестор томонидан хўжалик юритувчи субъект акцияларининг, улушларининг 35 фоиздан ортиғини олиш учун бундай битим тузилганига қадар монополияга қарши давлат органининг олдиндан олинган розилиги бўлиши керак.

13. Инвестор томонидан хўжалик юритувчи субъект акцияларининг, улушларининг 35 фоиздан ортиғини олишга розилик бериш масаласи:

а) Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси томонидан кўрилади:

товарлари республика товар бозорларида айланадиган хўжалик юритувчи субъектларнинг акциялари, улушларини олишда;

товар бозорларида устун мавқега эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар Давлат реестрига у томонидан киритилган хўжалик юритувчи субъектларнинг акцияларини, улушларини олишда;

табиий монополия субъектларининг акцияларини, улушларини олишда;

банкларнинг акцияларини олишда;

агар хўжалик юритувчи субъект ва инвестор ёки шахслар гуруҳи ҳисобланган инвесторлар турли вилоятларда жойлашган тақдирда;

чет эллик инвесторлар томонидан акцияларни, улушларни олишда.

б) Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг ҳудудий органлари томонидан кўрилади:

товарлари маҳаллий товар бозорларида айланадиган хўжалик юритувчи субъектларнинг акциялари, улушларини олишда;

товар бозорларида устун мавқега эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар Давлат реестрига улар томонидан киритилган хўжалик юритувчи субъектларнинг акцияларини, улушларини олишда.

14. Хўжалик юритувчи субъект ва инвесторнинг товар бозорларидаги улушини, шунингдек уларнинг табиий монополия субъектларига мансублигини аниқлаш монополияга қарши қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

15. Инвестор хўжалик юритувчи субъект акцияларининг, улушларининг 35 фоиздан ортиғини олаётганда монополияга қарши давлат органига қарор қабул қилиш учун зарур бўлган қуйидаги ҳужжатлар ва маълумотлар илова қилинган илтимосномани тақдим этади:

а) инвестор ва хўжалик юритувчи субъектнинг таъсис ҳужжатларининг нусхалари;

б) инвестор ва хўжалик юритувчи субъектнинг бухгалтерия балансларининг нусхалари;

в) инвестор ва хўжалик юритувчи субъектнинг ижроия ва сайлаб қўйиладиган органлари таркибига кирадиган шахслар рўйхатлари. Ижроия органларига кирадиган шахслар қаторида бош бухгалтерлар ёки уларнинг вазифасини бажарувчи шахслар ҳам кўрсатилади.

Зарур ҳолларда монополияга қарши давлат органи бевосита кўрилаётган битимга тааллуқли бўлган бошқа ахборотни унга эгалик қилаётган шахслардан сўраб олиши мумкин.

16. Ҳужжатларга эътироз мавжуд бўлганида ёки ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилмаган ҳолларда монополияга қарши давлат органи уларни олинган кундан бошлаб беш иш кунидан кечиктирмай ёзма шаклда аниқ камчилик ва ноаниқликларни кўрсатган ҳолда қайтаради.

17. Монополияга қарши давлат органи қуйидаги ҳолларда инвестор томонидан хўжалик юритувчи субъект акцияларининг, улушларининг 35 фоиздан ортиғи олинишига розилик беришни рад этади:

а) агар хўжалик юритувчи субъект товар бозорида устун мавқени эгаллаган бўлса ва илтимосномани қаноатлантириш хўжалик юритувчи субъектнинг, шахслар гуруҳининг устун мавқеини кучайишига ёки рақобатни чекланишига олиб келиши мумкин бўлса;

б) хўжалик юритувчи субъект устун мавқени эгаллаган муайян товар бозорида инвестор ҳам устун мавқега эга бўлса;

в) агар акцияларни, улушларни олиниши хўжалик юритувчи субъект ва инвесторни биргаликда муайян товар бозорида устун мавқега эга бўлишига олиб келса;

г) агар инвестор томонидан тақдим этилган қарор қабул қилиш учун аҳамиятга эга бўлган ахборот нотўғри ёки ёлғон бўлса.

18. Агар битим қатнашчилари ўз ҳаракатларининг бозорда савдо шароитларини яхшилашга, товарнинг рақобатбардошлигини оширишга кўмаклашувчи, харидорларга сезиларли тарзда наф келтирувчи ижобий самараси кўриб чиқилаётган товар бозори учун келиб чиқадиган салбий оқибатлардан устун бўлишини исботласалар, ҳатто рақобатни чеклаш эҳтимоли бўлган тақдирда ҳам монополияга қарши давлат органи илтимосномани қондиришга ҳақлидир.

19. Инвестор томонидан хўжалик юритувчи субъектнинг 35 фоиздан ортиқ акцияларини, улушларини олинишига розилик бериш масаласи монополияга қарши давлат органи раҳбарининг буйруғи билан унинг ходимларидан тузиладиган махсус комиссия томонидан кўриб чиқилади.

20. Махсус комиссия кўриб чиқиш натижалари бўйича, илтимоснома олинган пайтдан бошлаб ўн иш кунидан кечиктирмай, хўжалик юритувчи субъект акцияларининг, улушларининг 35 фоизидан ортиғини олинишига розилик бериш ёки розилик беришни рад этиш тўғрисида қарор чиқаради.

Қарор махсус комиссия раиси ва унинг аъзолари томонидан икки нусхада имзоланади ҳамда гербли муҳр билан тасдиқланади.

Махсус комиссия томонидан кўриб чиқиш натижалари бўйича қабул қилинган қарор инвесторга ушбу қарор қабул қилинганидан сўнг уч кундан кечиктирмай жўнатилади. Ёзма сўров бўлган ҳолларда манфаатдор томонларга қарорнинг нусхаси берилади.

21. Махсус комиссия инвестор томонидан акцияларни, улушларни олинишига розилик бериш масаласини кўриб чиқишни бозорни таҳлил қилиш ва қўшимча ахборот олиш зарурияти муносабати билан кечиктириши мумкин.

Зарурият бўлганда махсус комиссия мажлисига хўжалик юритувчи субъект акцияларининг, улушларининг 35 фоизидан ортиғини олинишига розилик сўраб монополияга қарши давлат органига мурожаат қилган шахслар (уларнинг вакиллари ишончнома билан), шунингдек бошқа манфаатдор шахслар таклиф қилиниши мумкин.

22. Монополияга қарши давлат органининг акцияларнинг, улушларнинг 35 фоиздан ортиғини олинишига розилик беришни рад этиш тўғрисидаги қарори қимматли қоғозлар билан боғлиқ битимни ва таъсис ҳужжатларидаги ўзгартиришларни рўйхатга олишни рад этишга, у (улар) рўйхатга олинган тақдирда эса битимни, таъсис ҳужжатларидаги ўзгартиришларни давлат рўйхатига олишни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳақиқий эмас деб топиш учун асос бўлади.

### IV. ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТ АКЦИЯЛАРИНИНГ, УЛУШЛАРИНИНГ 35 ФОИЗДАН ОРТИҒИНИ ОЛИШ ТАРТИБИНИ БУЗИШ

23. Инвестор томонидан бир хўжалик юритувчи субъект акцияларининг, улушларининг 35 фоиздан ортиғига монополияга қарши давлат органининг олдиндан розилигини олмасдан эгалик қилиш факти аниқланганда, қонун ҳужжатларига мувофиқ инвесторга нисбатан монополияга қарши қонун ҳужжатлари бузилиши тўғрисидаги иш қўзғатилади.

24. Монополияга қарши қонун ҳужжатлари бузилиши

тўғрисидаги иш монополияга қарши давлат органининг махсус комиссияси томонидан кўрилади.

Махсус комиссия томонидан хўжалик юритувчи субъект акцияларининг 35 фоиздан ортиғини олишнинг тартиби инвестор томонидан бузилганлиги тўғрисидаги масала кўриб чиқилаётганда Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказининг вакили эксперт сифатида таклиф этилади.

Махсус комиссия ишни мазмунан кўриб чиқиш натижалари бўйича қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

а) акцияларни, улушларни инвесторда сақлашни рад этиш тўғрисида, бунда монополияга қарши қонун ҳужжатлари бузилишларини тугатиш ва дастлабки ҳолатни тиклаш тўғрисидаги кўрсатма берилади;

б) акцияларни, улушларни сақлашга розилик бериш тўғрисида.

Монополияга қарши давлат органи хўжалик юритувчи субъект акцияларининг, улушларининг 35 фоиздан ортиғини монополияга қарши давлат органининг олдиндан розилигини олмасдан олгани учун инвесторга «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 18-моддасида белгиланган миқдорларда жарима солишга ҳақли.

Жарима солиш суд томонидан, инвестор содир этилган ҳуқуқбузарликдаги айбига иқрор бўлган ва жаримани ихтиёрий равишда тўлаган тақдирда эса, монополияга қарши давлат органи томонидан амалга оширилади.

25. Монополияга қарши давлат органи томонидан қўзғатилган ишни кўриш натижалари бўйича чиқарилган қарор инвесторга, шунингдек манфаатдор томонларга (Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказига, унинг ҳудудий бошқармаларига, қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчиларига, қимматли қоғозлар савдосининг ташкилотчиларига, таъсис ҳужжатларидаги ўзгартиришларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органларга, инвестор томонидан акцияларнинг, улушларнинг 35 фоиздан ортиғига эгалик қилиш факти тўғрисида маълум қилган шахсларга), у қабул қилинганидан сўнг беш кундан кечиктирмай жўнатилади.

Монополияга қарши давлат органининг қарори асосида берилган кўрсатма унда белгиланган муддатларда ижро этилиши шарт.

## V. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

26. Инвестор монополияга қарши давлат органининг қарори (кўрсатмаси)га рози бўлмаган тақдирда қарор (кўрсатма) қабул қилинган кундан бошлаб бир ой муддатда судга ёки Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасига қарор (кўрсатма)ни тўлиқ ёки қисман ҳақиқий эмас деб эътироф этиш тўғрисида ёхуд қарор (кўрсатма)ни бекор қилиш ёки ўзгартириш ҳақида ариза билан мурожаат қилишга ҳақлидир.

27. Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази билан келишилган.

***Қимматли қоғозлар бозори***
***фаолиятини мувофиқлаштириш ва***
***назорат қилиш маркази***
***Бош директори***
***К.ТОЛИПОВ.***

*Тошкент ш.*
*2008 йил 29 декабрь.*

---

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОНОПОЛИЯДАН ЧИҚАРИШ, РАҚОБАТ ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНИНГ ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ ҲУЗУРИДАГИ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ ФАОЛИЯТИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ВА НАЗОРАТ ҚИЛИШ МАРКАЗИНИНГ ҚАРОРИ*

# ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТНИНГ 35 ФОИЗДАН ОРТИҚ АКЦИЯЛАРИНИ СОТИБ ОЛИШ УСТИДАН НАЗОРАТ ҚИЛИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ ЙЎРИҚНОМАНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДАГИ ҚАРОРНИ ЎЗ КУЧИНИ ЙЎҚОТГАН ДЕБ ТОПИШ ҲАҚИДА*

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 5 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1079-2.***

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2009 йил, 6-сон, 63-модда)*

«Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги ва «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ҳамда Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказининг «Хўжалик юритувчи субъектнинг 35 фоиздан ортиқ акцияларини сотиб олиш устидан назорат қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома»ни тасдиқлаш ҳақидаги 2001 йил 24 сентябрдаги 5 ва 2001-12-сонли қарори (2001 йил 6 ноябрь, рўйхат рақами 1079) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

***Монополиядан чиқариш,***
***рақобат ва тадбиркорликни***
***қўллаб-қувватлаш давлат***
***қўмитаси раиси в.б.***
***Б.УЛАШОВ.***
*18-сон*

***Қимматли қоғозлар бозори***
***фаолиятини мувофиқлаштириш***
***ва назорат қилиш марказининг***
***Бош директори***
***К.ТОЛИПОВ.***
*2008-46-сон*

*Тошкент ш., 2008 йил 29 декабрь.*

***2009 йил 15 февралдан кучга киради.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ,
МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

# ОТА-ОНАЛАР ТОМОНИДАН БОЛАЛАРНИНГ МУСИҚА ВА САНЪАТ МАКТАБЛАРИДА ЎҚИШИ УЧУН ҲАҚ ТЎЛАШ ВА УНДАН ФОЙДАЛАНИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА*

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 5 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1898.***

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2009 йил, 6-сон, 65-модда)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 8 июлдаги ПҚ-910-сонли «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009 — 2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 28-сон, 267-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Молия вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ота-оналар томонидан болаларнинг мусиқа ва санъат мактабларида ўқиши учун ҳақ тўлаш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

***Халқ таълими вазири***
**Ғ.ШОУМАРОВ.**
*46-сон*

***Молия вазири***
**АЗИМОВ.**
*121-сон*

*Тошкент ш., 2008 йил 31 декабрь.*

***2009 йил 15 февралдан кучга киради.**

*Халқ таълими вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2008 йил 31 декабрдаги 46, 121-сонли қарори билан*
*ТАСДИҚЛАНГАН*

## ОТА-ОНАЛАР ТОМОНИДАН БОЛАЛАРНИНГ МУСИҚА ВА САНЪАТ МАКТАБЛАРИДА ЎҚИШИ УЧУН ҲАҚ ТЎЛАШ ВА УНДАН ФОЙДАЛАНИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 8 июлдаги ПҚ–910-сонли «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009 — 2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 28-сон, 267-модда) мувофиқ болалар (ўқувчилар)нинг (бундан кейинги ўринларда болалар деб юритилади) мусиқа ва санъат мактабларида ўқиши учун тўланадиган тўловнинг миқдори, уни тўлаш ва ундан фойдаланиш тартибини белгилайди.

### I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Мазкур Низом Давлат бюджети томонидан молиялаштириладиган мусиқа ва санъат мактабларига тааллуқлидир.

2. Мусиқа ва санъат мактабларида ўқиш учун тўланадиган тўловлар қонун ҳужжатларида белгиланадиган миқдорларда ундирилади.

### II. ЎҚИШ УЧУН ТЎЛОВНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТАРТИБИ

3. Мусиқа ва санъат мактабларида болаларнинг таълим олишлари учун тўловлар ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар (бундан кейинги ўринларда ота-оналар деб юритилади) ва мактаб маъмурияти томонидан тузилган шартнома асосида амалга оширилади.

4. Мусиқа ва санъат мактабларида ўқиш учун тўланадиган тўлов ўқув йилининг (сентябрь — май) ойлари учун тўланади. Тўловлар ҳар ойда келгуси ойнинг 5-санасидан кечикмасдан тўланади.

5. Боланинг касаллиги даврида (2 ҳафтадан кам бўлмаганда) мусиқа ва санъат мактабида ўқиш учун тўлов олинмайди. Бунда, боланинг касаллиги тўғрисида ота-онанинг аризаси ва даволаш муассасасидан ёки ҳудуд шифокоридан олинган маълумотнома тақдим этилиши зарур.

6. Мусиқа ва санъат мактабларида ўқиш учун амалга ошириладиган тўлов банк муассасаларига тўланади ва тўлов тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат (квитанция) нусхаси мусиқа ва санъат мактабига тақдим этилади.

7. Агар тўлов нақд пулсиз шаклда амалга оширилган бўлса, мусиқа ва санъат мактабига тўлов топшириқномасининг нусхаси (тўлов тўланганлиги тўғрисидаги банк белгиси қўйилган ҳолда) тақдим этилади.

8. Мусиқа ва санъат мактабида ўқиш учун тўланган тўлов ушбу муассасаларнинг алоҳида бюджетдан ташқари талаб қилиб олгунча банк депозит ҳисоб рақамига туширилади.

9. Агар тўлов ушбу Низомнинг 4-бандида кўрсатилган муддатдан икки ҳафта мобайнида узрли сабабларсиз тўланмаган тақдирда, ўқувчилар болалар мусиқа ва санъат мактаби рўйхатидан чиқарилади.

10. Мусиқа ва санъат мактабида ўқийдиган боланинг таълим олиши учун тўланмаган тўлов бир ой ичида тўланган тақдирда, бола мазкур синфнинг дастурий талабини бажаргандан сўнг ўқувчилар сафига қайта тикланади.

11. Мазкур Низомга мувофиқ, мусиқа мактабларида таълим олиш учун ота-оналар томонидан амалга оширилган тўловдан тушган маблағ болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ўқитувчилар ва концертмейстерларни моддий рағбатлантириш учун сарфланади.

### III. ЎҚИШ УЧУН ТЎЛОВЛАРДАН ОЗОД ЭТИШ ҲАМДА ЎҚИТУВЧИ ВА КОНЦЕРТМЕЙСТЕРЛАРГА ҲАР ОЙЛИК УСТАМАЛАР БЕЛГИЛАШ БЎЙИЧА КОМИССИЯНИНГ ФАОЛИЯТИ

12. Ҳар бир мусиқа ва санъат мактабида ўқиш учун тўловлардан озод этиш ва ўқитувчи ҳамда концертмейстерларга ҳар ойлик устамалар белгилаш бўйича Комиссия (бундан кейинги ўринларда Комиссия деб юритилади) тузилади.

13. Комиссия мактаб директори буйруғи асосида 5 — 7 кишидан иборат бўлган таркибда тайинланади.

Комиссия раиси — мактаб директори.

Комиссия аъзолари — маънавий-маърифий ва ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари (масъул котиб), мусиқа ва санъат мактабининг касаба уюшмаси раиси, икки етакчи

ўқитувчи ва ота-оналар қўмитасининг икки вакили.

14. Комиссиянинг асосий вазифаси қуйидагилар ҳисобланади:

а) молия йилининг бошланишида, зарур ҳолларда ўқув йили давомида ота-оналарни болаларнинг ўқиши учун белгиланган тўловдан озод этиш масаласини кўриб чиқиш;

б) ўқув йилининг бошланишида, шунингдек, зарур ҳолларда ўқув йили давомида ойлик устама белгилаш бўйича ўқитувчи ва концертмейстерларнинг номзодларини кўриб чиқиш ҳамда ҳар ойлик устама белгилаш.

15. Комиссия:

а) тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқади ва тегишли қарор қабул қилади;

б) қарор баённомасини директорга тасдиқлаш учун топширади.

16. Ўқитувчи ва концертмейстерларга устама белгилаш учун номзодларни кўриб чиқишда ўқитувчи ва концертмейстерларнинг тарбиявий ва синфдан ташқари ишлари, касбий маҳорати, ўқитиш сифати ва юксак кўрсаткичлари тўғрисидаги мусиқа ва санъат мактабларининг бўлим бошлиқлари томонидан бериладиган тавсияномалар Комиссияга тақдим этилиши керак.

17. Комиссия, зарур ҳолларда, ўқув йили бошида белгиланган устамалар миқдорининг муддатидан олдин ўзгарганлиги тўғрисида қарор қабул қилади.

## IV. ЎҚИШ УЧУН ТЎЛОВЛАРДАН ОЗОД ҚИЛИШ ТАРТИБИ

18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 31 декабрдаги 490-сонли «Ўзбекистон Республикасининг 2002 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2001 й., 22-24-сон, 159-модда) асосан мусиқа ва санъат мактабларида ўқувчилар умумий сонининг (ўқув йили бошланишида) 25 фоизи доирасида кам таъминланган оилаларнинг иқтидорли болалари таълим олишлари учун тўловдан озод этиладилар.

19. Кам таъминланган оилаларнинг фарзандларини тўловдан озод этиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

а) ота-оналарнинг аризаси;

б) 16 (18) ёшгача бўлган фарзандлари бор оилаларнинг ҳар ойлик оладиган нафақаси ва оиланинг ҳар бир аъзосига тўғри келадиган жами даромади тўғрисидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан бериладиган маълумотнома;

в) ўқувчининг ўзлаштириш табели ва тавсифномаси;

г) ўқувчининг республика, вилоят, туман (шаҳар) кўрик-танловлари, фестиваллар, кўргазмалардаги иштирокини тасдиқловчи ҳужжатлар (агар мавжуд бўлса).

20. Тўловдан озод этилган кам таъминланган оила фарзандлари рўйхати Комиссия томонидан молия йилининг бошланишида аниқланади ва Комиссия қарори баённомаси асосида мактаб директори буйруғи билан тасдиқланади.

21. Оиланинг бир аъзосига бир ойда тўғри келадиган жами даромади энг паст даражада бўлган кам таъминланган оилаларнинг болаларини рўйхатга биринчи навбатда киритиш тамойилига риоя қилган ҳолда тўлдириб борилади.

Рўйхатга кирмаган кам таъминланган оилаларнинг болаларидан захира шакллантирилади.

22. Мусиқа ва санъат мактабларида ўқиш учун белгиланган тўловлардан етим болалар ва ота-оналар қаровисиз қолган болалар ҳам озод этиладилар.

23. Давлат қарамоғида бўлган етим болалар ва ота-оналар қаровисиз қолган болаларнинг ўқиши учун тўловдан озод этишга халқ таълими бўлимлари томонидан берилган маълумотномалар асос бўлади.

## V. ОТА-ОНАЛАРНИНГ ТЎЛОВИДАН ТУШГАН МАБЛАҒЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ТАРТИБИ

24. Ўқиш учун тўланган ота-оналар тўлови маблағлари қуйидагиларга йўналтирилади:

а) 50 фоизи мактабнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга;

б) 40 фоизи мактаб педагог ходимларининг умумий сони кўрсаткичининг 50 фоизидан ошмаган ўқитувчи ва концертмейстерларга ҳар ойлик базавий тариф ставкасининг 40 фоизигача моддий рағбатлантиришга;

в) 10 фоизи халқаро ва республика, вилоят, туман (шаҳар) кўрик-танловлари, фестиваллар, кўргазмалардаги ютуқлари учун рағбатлантиришга, шунингдек, ўқувчиларни театр, концерт, музейларга ташрифи ҳамда маданий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказишга.

25. Ота-оналар тўловидан тушган маблағларнинг тақсимланиши Комиссия қарори асосида мактаб директори буйруғи билан тасдиқланади.

26. Ўқитувчи ва концертмейстерларга белгиланадиган устама миқдори уларнинг тарбиявий ва синфдан ташқари ишлари, ўқув жараёнига қўшган шахсий ҳиссаси учун 100 баллик тизим асосида мазкур Низомнинг 1-иловасига* мувофиқ баҳоланади

Бунда:

а) 80 балл ва ундан кўп баллни тўплаган ўқитувчи ва концертмейстерларга тарбиявий ва синфдан ташқари ишлари учун базавий тариф ставкасининг 15 фоизигача;

б) 60 баллдан 80 баллгача тўплаган ўқитувчи ва концертмейстерларга тарбиявий ва синфдан ташқари ишлари учун базавий тариф ставкасининг 10 фоизигача устама белгиланади.

27. Ўқитувчи ва концертмейстерларга белгиланадиган устама миқдори уларнинг касбий маҳорати ва педагогик ишларининг юқори кўрсаткичлари учун 100 баллик тизим асосида мазкур Низомнинг 2-иловасига* мувофиқ баҳоланади.

Бунда:

а) 70 баллдан 80 баллгача тўплаган ўқитувчи ва концертмейстерларга базавий тариф ставкасининг 25 фоизигача устама белгиланади;

б) 60 баллдан 70 баллгача тўплаган ўқитувчи ва концертмейстерларга базавий тариф ставкасининг 20 фоизигача устама белгиланади.

## VI. БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА ҲИСОБОТИ

28. Мусиқа ва санъат мактабларида болаларнинг ўқиши учун амалга оширилган тўлов тушумининг бухгалтерия ҳисоб-китоби қуйидагича:

юридик шахс мақомига эга бўлмаган мактабларда — ҳудудий молия органининг халқ таълими муассасаларини молиялаштириш бўлими томонидан;

юридик шахс мақомига эга бўлган мактабларда — уларнинг бухгалтерияси томонидан амалга оширилади.

29. Ота-оналар тўловларининг ҳисоби бухгалтерия ҳисоб-китобида қуйидаги бухгалтерия қайдномалари орқали расмийлаштирилади:

**Дт 172**
**Кт 236**

Ота-оналар тўловидан тушган суммага қуйидаги бухгалтерия қайдномаси берилади:

**Дт 111**
**Кт 172**

Тушган маблағларни мусиқа ва санъат мактаблари томонидан ишлатишда қуйидаги бухгалтерия қайдномасидан фойдаланилади:

**Дт 178 (120)**
**Кт 111**

Мусиқа мактабларининг ота-оналар тўлови тушумининг аниқ сарфланиши ўқув йили давомида дебет бўйича 211 ёрдамчи ҳисобварағи ва ҳисобот йилининг якунида дебет бўйича 211 ёрдамчи ҳисобварағидаги сарф-харажатлар 236 ёрдамчи ҳисобварағидаги якуний оборотлар асосида ёпилади.

## VII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

30. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва унинг ҳудудий бошқармалари ота-оналар томонидан тўловни амалга ошириш ва педагог ходимларга белгиланадиган устамаларнинг мониторингини олиб боради.

**1-2-иловалар "Норма маслаҳатчи"да берилмайди.*

31. Юридик шахс мақомига эга бўлган таълим муассасасининг раҳбари ва бош ҳисобчиси ота-оналар тўлови тушумини мақсадли сарфлаш бўйича жавобгар ҳисобланади.

32. Молия вазирлигининг назорат-тафтиш бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан болалар мусиқа ва санъат мактабларида ўқиш учун тўланадиган ота-оналар тўловидан тушган маблағларнинг ўз вақтида қабул қилиниши, шунингдек, мақсадли сафланиши ҳамда педагог ва концертмейстерларнинг устамалари миқдорини ҳисоблашнинг тўғри тақсимланиши бўйича назорат олиб борилади.

33. Ушбу Низом талабларини бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

---

*ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ БУЙРУҒИ*

# МОБИЛЬ АЛОҚА ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТИШ ҚОИДАЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА*

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 6 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1900.***

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2009 йил, 6-сон, 67-модда)*

Ўзбекистон Республикасининг «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги, «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ мобиль алоқадан фойдаланиш ва хизматлар кўрсатиш тартиби ҳамда шартларини, мобиль алоқа тармоғи операторлари ва фойдаланувчиларининг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларини, шунингдек, уларнинг жавобгарликларини белгилаш мақсадида **буюраман:**

1. «Мобиль алоқа хизматларини кўрсатиш қоидалари» иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилгандан ўн кундан кейин кучга киради.

***Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори А.АРИПОВ.***

*Тошкент ш.,*
*2009 йил 4 январь*
*2-сон.*

***2009 йил 16 февралдан кучга киради.***

---

*Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директорининг 2009 йил 4 январдаги 2-сон буйруғи билан ТАСДИҚЛАНГАН*

## МОБИЛЬ АЛОҚА ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТИШ ҚОИДАЛАРИ

Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 2-сонга илова), Ўзбекистон Республикасининг «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 й., 9-сон, 219-модда), «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 5-6-сон, 59-модда) ва «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 9-сон, 170-модда) қонунларига мувофиқ, мобиль алоқа хизматларидан фойдаланиш ҳамда уни кўрсатиш тартиби ва шартларини, мобиль алоқа тармоқлари операторлари ва абонентларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, шунингдек уларнинг жавобгарлигини белгилайди.

### 1-§. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Мазкур Қоидалар мобиль алоқа абонентлари (бундан кейин матнда абонентлар деб юритилада) ва мобиль алоқа тармоқлари операторлари (бундан кейин матнда операторлар деб юритилади) фойдаланиши учун мажбурий ҳисобланади.

2. Мазкур Қоидаларда қуйидаги тушунчалар қўлланилади:

**абонент** — мобиль алоқа хизматлари кўрсатилиши учун оператор билан шартнома тузган юридик ёки жисмоний шахс;

**абонент рақами** — мобиль алоқа хизматлари кўрсатилиши учун шартноманинг амал қилиш даврида абонентга оператор томонидан ажратиладиган рақам;

**абонент қурилмаси** — абонентга мобиль алоқа хизматларидан фойдаланиш имконини берувчи мобиль алоқа тармоғининг охирги ускунаси, элементи;

**тарификация бирлиги** — оператор томонидан белгиланган тарификация тизимига боғлиқ бўлган кўрсатиладиган хизматнинг тўланадиган бирлиги;

**хизмат кўрсатиш зонаси** — оператор лицензия битими асосида алоқа хизматларини кўрсатиш ҳуқуқига эга бўладиган ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан ўрнатилган шартларга жавоб берадиган хизматлар сифатини таъминлаш учун техник имкониятларга эга бўлган ҳудуд;

**оператор** — мобиль алоқа тармоғига эга бўлган, унинг қурилиши, ишлаши, ривожланишини таъминловчи ва лицензияга асосан мобиль алоқа хизматларини кўрсатувчи юридик шахс;

**мобиль алоқа тармоғи** — абонентларга мобиль алоқа (телефон, маълумотларни узатиш ва бошқалар) хизматларини кўрсатувчи техник воситалар (коммутацион ва радиоускуна, абонент қурилмалари, уловчи линиялар, иншоотлар ва ш.к.) мажмуи. Мобиль алоқа тармоқларига алоқанинг мобиль радиотелефон (сотали, транк, локал-транк, радиалзона, глобал шахсий мобиль йўлдошли) тармоқлари киради;

**йирик авария** — тармоқ ва мобиль алоқа хизматларини кўрсатиш ҳаракати тўхтатилишига олиб келадиган авария;

**тариф режаси** — оператор бир ёки бир нечта мобиль алоқа хизматларидан фойдаланишни тақдим этадиган баҳоли шартлар жами;

**SIM-карта** — абонент қурилмасининг идентификациясини, унинг мобиль алоқа тармоғидан фойдаланишни, шунингдек абонент рақамидан рухсатсиз фойдаланишдан ҳимояни таъминланиши ёрдамида қурилган микросхемали идентификацион модуль.

3. Мобиль алоқа хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ операторларнинг фаолияти белгиланган тартибда олинган лицензия асосида ҳамда оператор ва лицензия берувчи орган ўртасида тузилган лицензия битимига мувофиқ амалга оширилади.

4. Мобиль алоқа хизматларини кўрсатишда операторлар ҳамда телекоммуникация тармоқларининг бошқа операторлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар қонун ҳужжатларига мувофиқ, улар ўртасида тузилган шартномалар билан тартибга солинади.

5. Мобиль алоқа хизматлари оператор ва абонент ўртасида тузилган мобиль алоқа хизматларини кўрсатиш шартномаси асосида тақдим этилади.

6. Абонент оператордан мобиль алоқанинг абонент қурилмасини сотиб олиши ёки ижарга олиши ёхуд ўзининг шахсий абонент қурилмасидан фойдаланиши мумкин.

7. Фойдаланилаётган абонент қурилмаси Ўзбекистон Республикасида амал қилаётган стандартларга мувофиқ, ускунанинг ушбу турига қўйиладиган белгиланган техник талабларга жавоб бериши керак.

8. Фавқулодда ҳолатларда телекоммуникациялар соҳасидаги махсус ваколатли орган «Фавқулодда ҳолатларда телекоммуникациялар тармоқлари ва воситаларидан устувор фойдаланиш, улардан фойдаланишни тўхтатиб қўйиш ёки чеклаш тартиби тўғрисида»ги низомда (2007 йил 27 ноябрь, рўйхат рақами 1743 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 48-49-сон, 492-модда) белгиланган тартибда мобиль алоқанинг исталган тармоқлари ва воситаларидан устувор фойдаланиш, уларнинг ишлашини чеклаш ёки тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эга.

9. Операторлар одамларнинг денгиздаги, ердаги, ҳаводаги, космик фазодаги хавфсизлигига, Ўзбекистон Республикасида мудофаа, хавфсизлик ва ҳуқуқ-тартиботни сақлаш соҳасидаги кечиктириб бўлмайдиган тадбирларни ўтказишга тааллуқли хабарлар, шунингдек йирик авариялар, фалокатлар, эпидемиялар ва бошқа фавқулодда вазиятлар ҳақидаги хабарларга мутлақ устуворлик тақдим этишлари лозим.

10. Операторлар телекоммуникация тармоқлари орқали узатиладиган телефон сўзлашувлари ва бошқа хабарлар, шунингдек уларга тааллуқли бўлган барча маълумотлар сир тутилишига риоя қилишга мажбур.

Телефон сўзлашувларини эшитиш, телекоммуникация тармоқлари орқали узатилаётган хабарлар билан танишиш, улар тўғрисидаги маълумотларни олишга, шунингдек сўзлашувлар сирларига доир бошқа чекланишларга қонун билан белгиланган ҳолларда ва тартибда йўл қўйилади.

11. Оператор шартномани бажариш туфайли унга ошкор бўлган абонент тўғрисидаги маълумотларни, абонентнинг розилигисиз учинчи шахсларга бериши ёки тарқатишга ҳақли эмас, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

## 2-§. АБОНЕНТЛАРГА КЎРСАТИЛАДИГАН МОБИЛЬ АЛОҚА ХИЗМАТЛАРИ

12. Абонентларга оператор томонидан кўрсатиладиган мобиль алоқа хизматларининг рўйхати операторга тегишли бўлган мобиль алоқа тармоғининг техник имкониятларини ҳисобга олган ҳолда оператор томонидан белгиланади.

13. Абонентларга кўрсатиладиган мобиль алоқа хизматлари шартнома шартларига, шунингдек операторнинг хизматлар тўғрисида ахборотига мувофиқ бўлиши керак.

14. Оператор абонентга мобиль алоқа хизматларидан кеча-кундуз фойдаланиш имконини таъминлашга мажбур.

15. Оператор ахборот-маълумот хизмат тизимини яратишга ва пулли ҳамда бепул ахборот-маълумот хизматларини кўрсатишга мажбур.

16. Оператор томонидан кўрсатиладиган бепул хизматларга қуйидагилар киради:

а) оператор томонидан тақдим этиладиган мобиль алоқа хизматлари тўғрисида ахборот бериш;

б) операторнинг мобиль алоқа тармоғига хизмат кўрсатиш зонаси тўғрисида ахборот бериш;

в) мобиль алоқа хизматларига тарифлар тўғрисида ахборот бериш;

г) абонент шахсий ҳисоб рақамининг ҳолати тўғрисида ахборот бериш;

д) ахборот-маълумот хизматлари тўғрисида ахборот бериш;

е) оператор (филиаллари)нинг реквизитлари (жойлашган ўрни) ва иш тартиби тўғрисида ахборот бериш;

ж) абонентдан техник носозликлар, SIM-карта ёки абонент қурилмаси йўқолганлиги (SIM-карталардан фойдаланиш кўзда тутилмаган мобиль алоқа стандартлари учун), абонентнинг шахсий маълумотлари ўзгарганлиги тўғрисидаги ахборотни қабул қилиш;

з) мобиль алоқа тармоқларида абонент қурилмасидан фойдаланиш имконияти тўғрисида ахборот бериш.

Бепул ахборот-маълумот хизматларининг рўйхати оператор томонидан мустақил кенгайтирилиши мумкин.

17. Оператор пулли ахборот-маълумот хизматларининг рўйхатини мустақил равишда белгилайди.

18. Оператор тақдим этиладиган хизматлар, уларни тақдим этиш ва мобиль алоқа хизматларидан фойдаланиш тартиби, ушбу хизматларга тарифлар, мобиль алоқадан фойдаланишда чекланишлар тўғрисида абонентларни, шунингдек мобиль алоқа хизматларини кўрсатиш учун шартномани тузиш истаги бўлган жисмоний ва юридик шахсларни хабардор қилишга мажбур.

Тарифлар, хизмат кўрсатиш тартиби, ҳисоб-китоблар шакли ва тартиби ўзгарган ҳолда, оператор абонентларни бу ҳақда оммавий ахборот воситалари ва (ёки) ўзи танлаган бошқа усулда хабардор қилиши лозим.

Оператор тармоғида мобиль алоқа хизматлари кўрсатилишининг тўхтатилишига олиб келадиган йирик авариялар юз берганда, оператор абонентларни бу ҳақда, шунингдек хизматларни кўрсатиш тикланишининг тахминий муддатлари тўғрисида оммавий ахборот воситалари орқали хабардор қилишга мажбур.

19. Оператор ҳар бир абонентга тегишли хизматлар учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида белгиланган ягона рақамларни абонент томонидан териш ёрдамида фавқулодда тезкор хизматларни бепул ва кеча-кундуз давомида чақириш имкониятини таъминлаши керак. Фавқулодда тезкор хизматларга қуйидагилар киради:

а) ёнғинга қарши ёрдам;

б) ички ишлар органлари (милиция);

в) тез тиббий ёрдам;

г) газ тармоғининг авария хизмати;

д) Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг қутқарув хизмати.

## 3-§. МОБИЛЬ АЛОҚА ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТИШ УЧУН ШАРТНОМА ТУЗИШ ТАРТИБИ ВА ШАРТЛАРИ

20. Мобиль алоқа тармоғидан фойдаланишни таъминлаш ва мобиль алоқа хизматларини кўрсатиш оператор ва абонент ўртасида тузилган шартномага мувофиқ амалга оширилади.

21. Мобиль алоқа хизматларини кўрсатиш шартномаси оммавий шартнома ҳисобланади ва қонун ҳужжатларига мувофиқ тузилади.

22. Мобиль алоқа хизматларини кўрсатиш учун шартнома икки томонлама шартнома бўлиб, у тузилган вақтдан бошлаб кучга киради.

23. Абонент ва оператор ўртасидаги шартнома маълум муддатга ёки уни кўрсатмасдан тузилган бўлиши мумкин.

24. Шартномада қуйидагилар акс этган бўлиши лозим:

а) шартнома предмети;

б) шартнома тузилган сана ва жойи;

в) оператор номи (фирма номи);

г) операторнинг банк реквизитлари;

д) абонент тўғрисидаги маълумотлар (фамилияси, исми, отасининг исми, турар жойи, шахсини тасдиқловчи ҳужжат реквизитлари — жисмоний шахс учун, номи (фирма номи), банк реквизитлари, жойлашган ери — юридик шахс учун);

е) операторга рақамлаш захирасидан ажратилган абонент рақамини абонентга тақдим этиш;

ж) шартномани тузишда абонент томонидан танланган хизматлар рўйхати;

з) ҳисоб-китоблар тартиби, муддатлари ва шакли;

и) ҳисобни етказиб бериш усули;

к) томонлар ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги.

Шартномадаги абонент тўғрисидаги маълумотлар ўзгариши билан боғлиқ ўзгаришлар қўшимча тўлов ундирилмасдан киритилиши керак.

Шартномада қонун ҳужжатлари ва мазкур Қоидалар талабларига зид келмайдиган бошқа шартлар бўлиши мумкин.

25. Оператор абонентни алоҳида ҳақ эвазига кўрсатиладиган мобиль алоқа хизматларидан фойдаланишга мажбурлашга ҳақли эмас.

26. Оператор битта хизматни кўрсатиш технологик жиҳатдан бошқа хизмат билан шарт қилиб қўйилган ҳолатдан ташқари, мобиль алоқанинг битта хизматини кўрсатиш учун алоқанинг бошқа хизматларини кўрсатишни шарт қилиб қўйишга ҳақли эмас.

27. Шартнома қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:

а) абонентнинг ташаббуси бўйича, бекор қилиш сабаби кўрсатилган ёки кўрсатилмаган ҳолда;

б) операторнинг ташаббуси бўйича, ушбу Қоидалар ёки шартнома шартларида белгиланган талаблар абонент томонидан бузилганда;

в) агар абонент — жисмоний шахс вафот этганда ёки абонент — юридик шахс тугатилганда тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилган тақдирда;

г) давлат органининг ҳужжат қабул қилиши натижасида томонларнинг ўз мажбуриятларини бажариш имкони

бўлмай қолган тақдирда;

д) шартномада ёки қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

28. Шартнома бекор қилинганда, томонлар ўзларининг барча мажбуриятлари бўйича ҳисоб-китобларини амалга оширишлари керак.

## 4-§. ОПЕРАТОРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

29. Оператор қуйидаги ҳуқуқларга эга:

а) абонентларга хизматлар кўрсатиш;

б) абонент томонидан шартнома шартлари бузилган ҳолларда хизматларни тўхтатиш;

в) мобиль алоқа тармоғида хабарларни узатишда хавфсизликни таъминлаш ва тармоқ абонентларига кўрсатилаётган хизматларнинг тегишли сифатини таъминлаш мақсадида, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ, мобиль алоқа хизматлари кўрсатилишининг тўхтатилиши назарда тутилган техник тадбирларни ўтказиш;

г) абонентнинг айби билан кўрилган моддий зарар қопланишини талаб қилиш.

Оператор қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши мумкин.

30. Оператор қуйидагиларга мажбур:

а) ўз фаолиятини норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига ва мазкур Қоидаларга ҳамда мобиль алоқа хизматларини кўрсатиш учун тузилган шартномага мувофиқ амалга ошириш;

б) хизмат кўрсатиш зонасида мобиль алоқа тармоғининг ишини фойдаланилаётган стандартнинг техник нормаларига мувофиқ таъминлаш;

в) мобиль алоқа хизматларини сифатли ва ўз вақтида кўрсатилишни таъминлаш;

г) кўрсатилган хизматларнинг камчиликларини шартномада ёки қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда бартараф этиш;

д) шартномада белгиланган муддатларда кўрсатилган хизматлар учун ҳисобларни бериш, уларни абонентларга шартномада кўрсатилган усул билан тақдим этиш, абонентлар билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш;

е) абонентдан тўлов олингандан кейин, абонентга мобиль алоқа хизматлари кўрсатилишини тиклаш;

ж) абонентнинг талаби бўйича абонент шахсий ҳисобварағидаги ўзаро ҳисоб-китобларнинг жорий ҳолати тўғрисидаги батафсил ахборотни тақдим этиш;

з) мобиль алоқа хизматлари кўрсатилиши тўхтаган ҳолларда, абонент томонидан операторнинг айби билан хизматлар кўрсатилмаган вақт учун операторга ариза келиб тушган вақтдан бошлаб, абонент тўловини қайта ҳисоблаб чиқиш;

и) абонентнинг ёзма аризаси бўйича, агар абонент учун бошқа мақбул усул оператор томонидан белгиланмаган бўлса, SIM-карта ёки абонент қурилмаси (SIM-картадан фойдаланиш кўзда тутилмаган мобиль алоқа стандартлари учун) йўқолганда, хизматларнинг кўрсатилишини зудлик билан тўхтатиш;

к) абонентларнинг шикоятларини 30 кундан кўп бўлмаган муддатда кўриб чиқиш.

Операторга қонун ҳужжатларида кўзда тутилган бошқа мажбуриятлар ҳам юклатилган бўлиши мумкин.

31. Оператор абонентларга қуйидаги ахборотни тақдим этишга мажбур:

а) мобиль алоқа тармоқларида абонент қурилмасидан фойдаланиш имконияти тўғрисида;

б) кўрсатилаётган хизматларнинг рўйхати, шунингдек уларни кўрсатиш тартиби ва шартлари ўзгарганлиги тўғрисида;

в) хизмат кўрсатиш зонаси ўзгарганлиги тўғрисида;

г) янги тарифлар жорий қилингунга қадар камида 10 кун олдин хизматларга тарифлар ўзгарганлиги тўғрисида, агар бу ўзгартиришлар абонент ҳолатини ёмонлаштирса;

д) абонентларга хизмат кўрсатиш пунктлари иш режими ўзгарганлиги тўғрисида;

е) ўз реквизитларининг ўзгарганлиги тўғрисида.

## 5-§. АБОНЕНТНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

32. Абонент қуйидаги ҳуқуқларга эга:

а) амалдаги тарифларга, хизматлар тавсифи ва хизматлар сифатига қўйиладиган талабларга, шунингдек оператор томонидан кўрсатиладиган қўшимча хизматларга мувофиқ шартномада кўзда тутилган мобиль алоқа хизматларидан фойдаланиш;

б) оператордан мобиль алоқа хизматларини кўрсатиш учун шартномада белгиланган мажбуриятларнинг бажарилишини талаб қилиш;

в) оператор ахборот-маълумот хизматининг хизматларидан фойдаланиш;

г) барча амалга оширилган уланишларнинг санаси ва вақти, уларнинг давомийлиги ва абонент рақамларини кўрсатган ҳолда, оператор томонидан белгиланган тартиб ва шартларда барча хизмат турлари бўйича батафсил ҳисобни бепул олиш;

д) ушбу Қоидаларнинг талаблари ва шартнома шартларига риоя қилган ҳолда, шунингдек муайян ҳудудда (аэропорт, самолёт, антенна майдони ва бошқалар) амал қиладиган алоҳида қоидаларни ҳамда тўсқинлик қилиши ёки хавфли вазиятлар юзага келиши мумкин бўлган ҳолатларда (тиббиёт муассасалари, ёқилғини сақлаш ва қайта юклаш ҳудуди, портлаш ишларини ўтказиш жойларида ва бошқалар) чекланишларни ҳисобга олган ҳолда, исталган абонент қурилмасидан фойдаланиш;

е) фавқулодда тезкор хизматларни чақиришда, шунингдек шартномада назарда тутилган ҳолларда мобиль алоқа хизматларидан бепул фойдаланиш;

ж) унга розилигисиз тақдим этилган хизматлар учун тўловини тўлашни рад этиш;

з) оператор томонидан тақдим этилаётган хизматлар бўйича таклифлар ва эътирозлар билан операторга мурожаат этиш;

и) оператор айби билан кўрилган зарарларни қопланишини талаб қилиш;

к) оператор хизматларидан фойдаланишни тўхтатиш;

л) шартномада кўзда тутилган тартибда оператор билан тузилган шартномани бекор қилиш;

м) оператор шартномани бажармаса ёки хизматлар шартномада кўрсатилган муддатда кўрсатилмаслиги аниқ бўлса, шартномани бажаришдан бош тортиш ва зарарларни қоплашни талаб қилиш;

н) оператор томонидан, кўрсатиладиган хизматлар сифатининг ёмонлашишига олиб келадиган даражада шартнома шартларидан жиддий четга чиқишга йўл қўйилган ёки бошқа жиддий камчиликлар юзага келган ҳолларда, ўз хоҳишига кўра: камчиликларни бепул бартараф этиш, кўрсатилган хизматлар нархини мос равишда камайтириш, такроран хизматларни кўрсатиш, келтирилган зарарларни тўлиқ қоплаган ҳолда шартномани бекор қилишни талаб қилиши мумкин.

Абонент қонун ҳужжатларида кўзда тутилган бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши мумкин.

33. Абонент қуйидагиларга мажбур:

а) ушбу Қоидаларга риоя қилиш;

б) шартнома шартларини бажариш;

в) операторга SIM-карта ёки абонент қурилмаси (SIM-карталардан фойдаланиш кўзда тутилмаган мобиль алоқа стандартлари учун) йўқолганлиги тўғрисида зудлик билан хабар бериш. Абонент томонидан ушбу шартларга риоя қилинмаган ҳолларда, у йўқотилган SIM-карта ёки абонент қурилмасидан (SIM-картадан фойдаланиш кўзда тутилмаган мобиль алоқа стандартлари учун) фойдаланган ҳолда олинган оператор томонидан кўрсатилган мобиль алоқа хизматларига тўлов бўйича, оператор абонентнинг уларнинг йўқолганлиги ва хизматлар кўрсатишни тўхтатиш истаги тўғрисидаги аризасини олган кунигача мажбуриятга эга, агар абонент учун қулай бўлган хабар қилишнинг бошқа усули оператор томонидан кўзда тутилмаган бўлса;

г) кўрсатилган хизматлар учун тўловни ўз вақтида тўлаш;

д) 30 кун давомида операторга маълумотлар (фамилияси, исми, отасининг исми, турар жойи — жисмоний шахс учун, номи (фирма номи), жойлашган ери — юридик шахс учун) ўзгарганлиги тўғрисида хабар бериш.

Абонент қонун ҳужжатларида кўзда тутилган бошқа мажбуриятларга эга бўлиши мумкин.

## 6-§. АБОНЕНТЛАР БИЛАН ҲИСОБ-КИТОБЛАР ВА МОБИЛЬ АЛОҚА ХИЗМАТЛАРИНИНГ ТЎЛОВИ

34. Абонентлар билан ҳисоб-китоблар ва мобиль алоқа хизматларининг тўлови мобиль алоқа хизматларига тарифлар асосида амалга оширилади.

35. Мобиль алоқа хизматларига тарифлар операторлар томонидан шартнома асосида мустақил белгиланади.

36. Мобиль алоқа тармоғи бўйича уланиш давомийлигининг тарификация бирлиги оператор томонидан белгиланади. Тарификация бирлиги бир минутдан кўп бўлмаслиги керак.

37. Уланишнинг давомийлигини ҳисобга олиш оператор томонидан қабул қилинган тарификация бирлигига мувофиқ олиб борилади.

38. Тўлов миқдорини аниқлаш учун фойдаланиладиган мобиль алоқа тармоғи бўйича уланиш давомийлиги чақирилувчи абонент ёки абонент жавоб берган деб тенглаштирилган жавоб сигнали бўлган ускуна жавоб берган секунддан бошлаб чақирувчи ёки чақирилувчи абонент ёки шу ускуна сўзлашуви тугаган вақтгача ҳисобланади.

Оператор томонидан белгиланган минимал ҳисобланган вақт бирликарида ҳисобланган уланишлар давомийлиги тўлиқ бирликкача яхлитланади.

Оператор ушбу Қоидаларга нисбатан абонент ҳолатини ёмонлаштирмайдиган мобиль алоқа хизматларининг тарификация қоидаларини мустақил белгилайди.

39. Мобиль алоқа хизматларига тарифлар мобиль алоқанинг айрим хизматлари ёки мобиль алоқа хизматларининг тўпламига тарифлар (тариф режалари) кўринишида белгиланиши мумкин. Тариф режаси бир кеча-кундуз вақт, ҳафта кунлари, дам олиш ва байрам (ишланмайдиган) кунлари бўйича, шунингдек кўрсатилаётган мобиль алоқа хизматларининг тўплами ва ҳажми бўйича дифференциялланган тарифлар белгиланиши мумкин.

40. Тариф режаларини шакллантиришда тарификациянинг қуйидаги турлари қўлланилиши мумкин:

а) абонентнинг аниқ (ҳисобот) даври учун тўлов миқдори ҳақиқий олинган мобиль алоқа хизматларининг ҳажмига боғлиқ бўлмаган доимий катталик ҳисобланадиган абонентлик;

б) абонентнинг тўлов миқдори ҳисобот даври давомида тақдим этилган абонентнинг ташаббуси билан амалга оширилган уланишлар давомийлигининг суммасига боғлиқ бўлган вақтбай;

в) тўлов миқдори амалда кўрсатилган мобиль алоқа хизматлари учун аниқланадиган ҳар бир кўрсатилган мобиль алоқа хизмати учун.

Тариф режаларини шакллантиришда тарификациянинг бир нечта турларини бирга қўшишга йўл қўйилади.

41. Мобиль алоқа хизмати учун тўлов тарификациянинг бирлик миқдори билан аниқланади.

42. Чақирилувчи шахснинг жавобига тенглаштирилган ва уланиш давомийлигининг ҳисоби бошланадиган жавоб сигналига эга абонент қурилмасига қуйидагилар киради:

а) ахборотни автоматик қабул қилиш режимида ишлайдиган модем ёки факсимиль аппарат;

б) автожавоб бергич билан жиҳозланган исталган абонент қурилмаси;

в) чақирилувчи шахс бўлмаган вақтда ахборот билан алмашиш имкониятини таъминлайдиган (ёки имитациялайдиган) бошқа абонент қурилмалари.

43. Оператор кўрсатилаётган мобиль алоқа хизматлари учун ҳисоб-китоб даврини мустақил белгилайди.

44. Ҳисоб-китоблар шакли ва тартиби технологик имкониятлардан келиб чиқиб, амалдаги қонун ҳужжатлари талабларини ҳисобга олган ҳолда оператор томонидан белгиланади.

Мобиль алоқа хизматларининг тўлови нақд пул ёки пул ўтказиш йўли билан, шунингдек ҳисоботларнинг аванс ёки кредит шакли бўйича амалга оширилиши мумкин.

45. Кўрсатилган мобиль алоқа хизматларини ҳисоблаш учун тегишли хизматларни кўрсатиш вақтида амалда бўлган тарифдан фойдаланилади.

46. Абонентлар билан барча ҳисоб-китоблар қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартиб ва шартларда олиб борилади.

Кўрсатилаётган мобиль алоқа хизматлари учун ҳисоб-китоблар амалга оширилганда, хорижий валюта, шунингдек хорижий валютада тўлов ҳужжатларидан фойдаланишга қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда ва шартларда йўл қўйилади.

47. Абонент томонидан Ўзбекистон Республикасининг «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги Қонунида, ушбу Қоидалар ва шартномада белгиланган мобиль алоқа хизматларини кўрсатиш бўйича талаблар бузилган ҳолатларда, бузилишлар бартараф этилгунга қадар оператор мобиль алоқа хизматлари кўрсатилишини тўхтатиш ҳуқуқига эга. Бунда, мобиль алоқа тармоғидан фойдалана олиш ва абонент томонидан фавқулодда тезкор хизматларни чақириш имконияти сақланади.

48. Оператор томонидан мобиль алоқа хизматларини кўрсатиш тўхтатилгандан кейин абонент шартнома ва қонун ҳужжатлари билан белгиланган муддатда аниқланган бузилишларни бартараф этиш ҳуқуқига эга. Аниқланган бузилишлар бартараф этилгандан кейин мобиль алоқа хизматларидан фойдаланиш тикланади.

49. Тақдим этилган мобиль алоқа хизматларини кредит билан тўлаш муддатини оператор мустақил белгилайди.

50. Мобиль алоқа хизматларининг тўлови учун мобиль алоқа хизматларининг тўлови тўғрисидаги маълумотларни операторга етказиш учун фойдаланиладиган, белгиланган усул билан кодланган ахборотга эга олдиндан тўлов картасидан (бундан кейин матнда — карта деб юритилади) фойдаланиш мумкин. Картада қуйидагилар кўрсатилган бўлиши керак:

а) картани чиқарган операторнинг номи (фирма номи);

б) тўланганлигини карта тасдиқлайдиган тўлов миқдори;

в) картанинг амал қилиш муддати;

г) операторнинг маълумот (боғланиш) учун телефонлари;

д) картадан фойдаланиш қоидалари;

е) картанинг идентификация рақами.

51. Шартнома бекор қилинган ҳолларда, абонент аванс сифатида киритилган пул маблағларини қайтариш учун операторга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Бунда, оператор пул маблағларининг фойдаланилмаган қолдиғини қайтаришга мажбур.

## 7-§. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

52. Оператор ва абонент Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига ва улар ўртасида тузилган шартномаларга мувофиқ жавобгар бўладилар.

53. Абонент ҳуқуқини чеклаб қўядиган ва қонун ҳужжатларига зид келадиган шартнома шартлари ҳақиқий эмас деб топилади. Агар уларнинг қўлланилиши натижасида абонентга зарар етказилса, улар оператор томонидан қонун билан белгиланган тартибда қопланиши шарт.

54. Оператор тузилган шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун қуйидаги ҳолатларда абонент олдида жавобгардир:

а) мобиль алоқа тармоғидан фойдалана олишни таъминлаш муддатларининг бузилиши;

б) шартномада белгиланган мобиль алоқа хизматларини кўрсатиш муддатларининг бузилиши;

в) шартномада кўрсатилган ва абонент томонидан талаб қилинган мобиль алоқа хизматларининг барча турларини кўрсатмаганлик;

г) мобиль алоқа хизматларини сифатсиз кўрсатиш;

д) мобиль алоқа хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ ахборотни тақдим этилмаганлиги, тўлиқ тақдим этилмаганлиги ёки кечиктириб тақдим этилганлиги;

е) шартномани бажариш натижасида операторга маълум бўлган абонент тўғрисидаги маълумотларнинг тарқалишини чеклаш тўғрисидаги талабларнинг бузилиши.

Оператор қонун ҳужжатларида кўзда тутилган бошқа ҳолатларда ҳам жавобгардир.

55. Хизматларни кўрсатиш давомида аниқланган камчиликларни бартараф этиш муддатлари шартномада белгиланади. Кўрсатилаётган хизматларнинг камчиликлари абонент томонидан даъво берилган кундан бошлаб 20 кун давомида оператор томонидан бартараф этилиши керак (агар бунда қисқа муддат шартномада белгиланмаган бўлса).

56. Объектив сабабларга кўра оператор камчиликларни бартараф этмаса, ушбу муддат узайтирилиши мумкин.

57. Агар мажбуриятларнинг бажарилмаганлиги енгиб бўлмайдиган куч натижаси бўлса ёки абонентнинг айби билан юз берган бўлса, оператор абонент олдида жавобгарликка эга эмас.

58. Низоли масалалар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

## 8-§. ЯКУНИЙ ҚОИДА

59. Ушбу Қоидалар Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси билан келишилган.

***Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раиси в.б. Б.УЛАШОВ.***

*Тошкент ш.,*
*2008 йил 26 декабрь.*

ТОВАРЛАР ВА ХИЗМАТЛАР БИЗНЕС ПАНОРАМАСИ

# top

ЭНГ ЯХШИСИНИ ТОП!

«Норма маслаҳатчи» N 12 (193) 2009 йил 14 март

Бўлгуси тақдимот маросимлари, кўргазмалар, матбуот анжуманлари ҳақидаги матбуот-релизларни, хабарнома-таклифномаларни «Норма маслаҳатчи» таҳририятининг реклама хизматига 237-51-33 телефон-факси орқали жўнатишингиз мумкин.

---

SANAY Co.Ltd

"SANAY" ҚК Хитой ва Италияда ишлаб чиқарилган юқори сифатли

## КАФЕЛЬ

сотади, ўлчами 60х60, 45х45, 40х40

Буюртма бўйича Хитойдан ҳар қандай ускунани етказиб берамиз

Товар сертификатланган
Хизматлар лицензияланган

Тошкентдаги омбордан сотилади

Тўлов – исталган шаклда



pr_8-01-01

Тошкент ш., Ҳамза тумани, Султонали Машҳадий кўч., 210 (мўлжал – шампан винолари заводи).
Тел. 269-44-66, факс 269-44-33,
Уяли +99893 375-56-58.
E-mail: sanay_uz@yahoo.com

---

## КОРПУСЛИ МЕБЕЛЬ

ТАНЛОВИНГИЗГА КЎРА...
ШКАФЛАР, КУПЕ ШКАФЛАР, ГАРДЕРОБЛАР, ОШХОНАЛАР МЕБЕЛИ, ЁТОҚХОНАЛАР МЕБЕЛИ, ОФИС МЕБЕЛИ

ALX-75



буюртмага тайёрлаш
Т.: 746-80-72
127-80-72

---

«top. Товарлар ва хизматлар бизнес панорамаси» рукни "Premier-press" реклама агентлиги томонидан тайёрланди.
Тел.: 237-51-33, 237-47-20, 237-47-05.

---

"Elite stamp" МЧЖ

## МУҲР ва ШТАМПЛАР

реквизит ва факсимил штампчалар, шунингдек автоматик жиҳозлар

Хизматлар лицензияланган

тел.: 766-0977, 769-0100,
факс 248-3045.
e-mail: elitestamp@mail.ru

---

ЯНГИЛАНГАН NISSAN TIIDA

ҲАРАКАТДАГИ ҚУЛАЙЛИК



Товар сертификатланган

## TIIDA

Ажойиб динамика ва ўзига хос кенг салон. Йўлдаги ишонч ва ички сайқалнинг юқори сифати.
Ҳар бир деталнинг бекаму кўстлиги. Ишончлилик, хавфсизлик ва шинамликнинг ўзига хос муҳити.

NISSAN SHIFT_lifestyle

МАХСУС ТАКЛИФ
Ўзбекистондаги Nissan расмий дистрибьютори Premium Autoкомпаниясидан. 295 88 77

Нархи 32 000 $ дан* 2 йил кафолат ёки 50 000 км босиш + ОСГО СОВҒАГА
*Нархлар божхона тўловларини ҳисобга олиб кўрсатилган

H306

---

## "BEHZOD YUM" XK

2000 дан ортиқ номдаги товарлар

Канцелярия ва хўжалик товарлари

Улгуржи ва чакана савдо



pr_9-08-01

Тел. 233-54-11, факс 236-12-43. E-mail: behzod_yum@mail.ru
Манзил: Ҳамза тумани, Тўйтепа кўчаси, 1-уй (мўлжал – вино заводи)

---

## ТАКЛИФНОМА ҚОҒОЗИНГИЗ

9-нчи ЎЗБЕК ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАСИ

worldfood UZBEKISTAN agroworld UZBEKISTAN



## ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

БУ ШАКЛНИ БОСМА ҲАРФЛАР БИЛАН ТЎЛДИРИШИНГИЗНИ СЎРАЙМИЗ * Кўргазмага келганингизда ташриф карточкангизни ўзингиз билан олиб келинг!

ФИО / Ism-sharifingiz ____________________

Организация / Korxona ____________ Должность / Lavozimingiz ____________

Адрес / Manzil ____________ Тел. / Tel. ____________

Город / Shahar ____________ Страна / Davlat ____________

25-27 март 2009

ЎЗЭКСПОМАРКАЗ, ТОШКЕНТ, ЎЗБЕКИСТОН

Ташкилотчи: ____________________

ITE UZBEKISTAN 15 years

Ўзбекистон, 100015, Тошкент, Ойбек кўч., 20
Тел.:+ (998 71) 113 01 80, факс: + (998 71) 252 51 64
E-mail: post@ite-uzbekistan.uz, Web: www.ite-uzbekistan.ru

Кўргазманинг ишлаш соати:

| 25.03.2009 | 26.03.2009 | 27.03.2009 |
|---|---|---|
| 11:30 - 18:00 | 10:00 - 17:00 | 10:00 - 16:00 |

ufi Member

---

## www.pc.uz - Ўзбекистон компьютер бозоридаги талаб ва таклиф

---



## УЙДАН ЧИҚМАЙ ТУРИБ РЕСТОРАН ТАНЛАНГ

## www. restoran.uz



# РИЗОГРАФИЯ –
# МУВАФФАҚИЯТГА ЭЛТУВЧИ ТЕХНОЛОГИЯ

✓ ТАҚДИМОТЛАР

**Ризография босма усули сифатида замонавий рақамли электроника ютуқларини – анъанавий босиш афзалликлари: юқори унумдорлик ва пухталик билан биргаликда маълумотларни тақдим этиш, ишлов бериш ва узатишнинг юқори сифатини ўзида бирлаштиради.**

**Босиш тезлигининг юқорилиги ва тежамлилиги мазкур босма усулининг асосий афзалликларидир. Ризография технологиясидан турли хил фаолият соҳаларида қўлланиладиган босма маҳсулотларни яратиш учун фойдаланилади.**

Ҳозирги иқтисодий шароитда кўпгина давлат муассасалари ва тижорат фирмалари ўз бланкалари, йўриқномалар, кўрсатиладиган хизматларга прайс-варақлар, ишлаб чиқариладиган товарларга илова қилинувчи ва техник ҳужжатлар каби босма маҳсулотларга эҳтиёж сезади. Кўпинча уларнинг ададлари ғоятда салмоқли бўлади, бунда улар сифатли, тезкор тарзда ва, мақбули, арзон нархларда тайёрланиши муҳимдир.

Албатта, бундай маҳсулотларнинг ҳаммасини босмахонада буюртириш мумкин, у ердаги мутахассислар ҳар қанча нусхада бемалол чиқара оладилар. Бироқ бу ҳолда барча истакларингиз ҳисобга олиниши мушкул. Ўзингизнинг мини-босмахонангиз эса ҳужжатларни босиш билан боғлиқ кўп ноқулайликлардан халос бўлиш имконини беради: ҳеч қаерга боришнинг кераги йўқ, босма хизматлар етказиб берувчиларининг муддатлари ва нархларига қарам эмассиз, исталган материалларни сиз учун зарур ҳажмларда тезда босиш имконияти мавжуд.

Ушбу масалани ҳал этиш учун ризограф сўзсиз афзалликларга эга, у босма техникага қўйиладиган барча талабларга жавоб беради. Ишнинг оддий тусдалиги, юқори тезлик, унумдорлик, тежамлилик матбаа маҳсулотининг кенг ассортиментини чиқариш имконини беради. Энг асосийси, катта ададларни босиш харажатлари камаяди, чунки ризограф учун зарур сарфлаш материалларининг қиймати буюртма босмахонада жойлаштирилган тақдирда кўпайтириш ва нусха кўчириш харажатларининг арзимас қисминигина ташкил қилади.

«RISO» русумли ускунанинг имкониятлари ва афзалликлари тўғрисида «RISO» маҳсулотининг Ўзбекистондаги расмий дилери ҳисобланган «TURON» Осиё техник компанияси томонидан пойтахтдаги Radisson SAS Tashkent меҳмонхонасида ўтказилган тақдимотда сўз борди. Тақдимот иштирокчилари соғлиқни сақлаш муассасаларида қўлланиши мисолида ризография технологияси ва имкониятлари тўғрисида хабардор қилинди. Тадбирда Республика кўз микрохирургияси ихтисослаштирилган маркази, Эпидемиология, микробиология, юқумли касалликлар ИТИ клиникаси, Педиатрия ИТИ клиникаси, бошқа тиббий муассасаларнинг вакиллари иштирок этдилар.

Бундай учрашувлар анъанага айланди. «RISO» русумли босма аппаратлар ва уларга доир сарфлаш материалларини етказиб бераётган «TURON» компанияси мамлакатимиз бозорида ўз фаолиятини 1995 йилда бошлаб, ўзини энг талабчан мижознинг эҳтиёжларини қондира оладиган ишончли ҳамкор сифатида кўрсатди. Компания ускуналарнинг кенг доирасини, шу жумладан «KONICA MINOLTA» кўп функцияли ускуналари ва принтерлари, босмадан кейин ишлатиладиган ускуналар ва, албатта, «RISO» мини-босмахонасини таклиф қилмоқда.

Мамлакатимизда таълим соҳасида ризография анъанавий тарзда қўлланилади. Давлат тест маркази, Мирзо Улуғбек номли Ўзбекистон Миллий университети, Низомий номли Тошкент давлат педагогика университети ва республикамиздаги бошқа кўплаб олий ўқув юртлари «RISO» мини-босмахонасини, унинг услубий ва ўқув адабиётлари, турли қўлланмалар чиқаришдаги имкониятларини муносиб баҳоладилар. Республикамиздаги кўп давлат муассасалари, вазирликлар ва идоралар, хўжалик юритувчи субъектлар ҳам ўз амалиётларида ризографлардан фойдаланяптилар.

Компания ишининг устувор жиҳатларидан



бири, унинг раҳбари Дмитрий Гуриновнинг айтишича, ҳар бир буюртмачига алоҳида ёндашиш, таклиф этилаётган ускунанинг сифати ва функционаллиги, нархи ва сервисининг мақбул бирикуви ҳисобланади. Зеро муайян аппаратнинг реализация қилиниши муқаррар равишда нафақат оригинал сарфлаш материаллари, балки кафолатли ва кафолатдан кейинги техник хизмат кўрсатиш билан бирга олиб борилади. «TURON» компаниясининг сервис маркази барпо этилди ва муваффақият билан ишлаяпти, эҳтиёт қисмлар базаси, сарфлаш материаллари ва етказиб берилаётган ускунанинг бутловчи буюмлари кенг ассортиментда мавжуд. Қурилмаларга техник хизмат кўрсатаётганда оригинал сервис-технологик ҳужжатларга биноан ишлаб чиқарувчи фирмаларнинг технологиясига қатъиян амал қилиняпти.

Тақдимотда тиббиётга оид босма маҳсулотлар тайёрлашда ризографияни қўллашнинг самарадорлиги, босиш харажатлари қисқариши тўғрисида ҳам сўз борди. Иштирокчиларга ризографнинг ишлаши намойиш этилиб, уларга қоғознинг турли навларида оттисклар сифатини таққослаш имконияти берилди.

Ушбу машиналарда босиш тезлиги ҳайратга солади – бир дақиқада 60 дан 130 гача оттиск олиш мумкин. Масалан, тиббиёт муассасалари учун 1 мингта диспансер кузатуви картаси 8 дақиқада тайёр бўлди. Анча кўп миқдорда нусха чиқариш мумкин, бунда босмага тайёргарлик кўриш ҳам, зарарли кимёвий моддалар билан ишлаш ҳам талаб қилинмайди. Компьютерга улаш туфайли босиш сифати ва тезкорлигининг ошганлиги ризографлар ҳозирги русумларининг жуда муҳим афзаллигидир. Бунда фойдаланувчининг ўзи босиш тизимини бошқариши мумкин. Ризограф қоғознинг сифати ва қалинлигига талабчан эмас, унинг учун зичлиги 46 дан 210 г/м² гача бўлган оқ ҳамда рангли вароқлар тўғри келаверади.

«RISO» мини-босмахоналари босма ускунасининг A6 дан A3 гача бичимдаги қоғозда тежамкор ва юқори тезликдаги оқ-қора ва кўп рангли босма учун мўлжалланган энг мўъжаз тури эканлиги ҳам эътиборга лойиқ. Электр энергиясини кам истеъмол қилиши, экология жиҳатидан тозалиги, ходимларни махсус ўқитишга эҳтиёжнинг йўқлиги, босиш жараёнини тайёрлашга харажат қилинмаслиги истисносиз барча русумдаги ризографларнинг асосий афзаллигидир. Босиш-нусха кўчириш ускуналарининг бошқа турларидан фарқ қилиб, ризографлар технологик танаффусларсиз ишлай олади. Энг илғор технологияларни қўллаш ризографлардан бир суткада 24 соатга қадар фойдаланиш имконини беради.

Босиш қийматининг пастлиги уларнинг асосий афзалликларидан бири ҳисобланади. 50 дан 5 000 га қадар диапазондаги ададда оттискнинг таннархи бўйича ризографлар нусха кўчириш ва офсет машиналаридан қолишмайди. Ҳар ойда камида 240 минг оттиск чиқарганида аппарат ўзини 3-4 ой мобайнида қоплайди.

Босишда заҳарли моддалар ажраб чиқмайди, аппаратдан чиқадиган шовқин эса ҳатто кичик офис хоналарида йўл қўйиладиган нормалардан ошмайди. Барча сарфлаш материаллари натурал табиий компонентлардан тайёрланган, улар кишилар ва атроф муҳит учун мутлақо хавфсиз, чекланмаган сақлаш муддатига эга. Шу сабабли ризографни ҳар қандай иш хонасида жойлаштириш мумкин.

Ризографда ишлаш жуда осон бўлиб, уни ҳар қандай ходим ишлата олади. Тасвирнинг асл нусхасини ризографга ўрнатилган сканерга қўйиш ва тугмачани босиш ёки, агар сиз компьютердан босиб чиқараётган бўлсангиз, тайёрланган файлни оддий принтердагидек босишга жўнатиш зарур, бир неча сониядан сўнг эса дастлабки назорат оттиски пайдо бўлади. Сўнгра адад параметрлари берилади ва жараён бошланади.

Ризограф асосида амалда ҳар қандай босма маҳсулотни чиқариш учун мини-босмахона барпо этиш мумкин. Бугунги кунда ризографни танлаётган ҳар бир харидор «TURON» компанияси мутахассислари ҳар доим унинг эҳтиёжларини эътибор билан ўрганишга, ускунанинг муайян русумидан фойдаланиш ва унинг нозик жиҳатлари тўғрисида маслаҳат беришга, харидорнинг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда керакли русумни танлашда ёрдам беришга тайёр эканликларига ишонч ҳосил қилиши мумкин.

Ускунани танлаётганда обрў-эътиборли, ишончли маҳсулот етказиб берувчини танланг. «TURON» компаниясининг сервисининг сифати, маҳсулотни ишончли ва ўз вақтида етказиб бериши компания ишининг асосий афзаллиги, «RISO» мини-босмахонаси эса мукаммал кўпайтириш технологиясидир.

**Таклиф қилинаётган товарлар ва хизматларнинг кенг доираси тўғрисида янада батафсилроқ ахборотни компания офисида олишингиз мумкин.**

**Манзил: Ўзбекистон, 100000, Тошкент ш., Ҳ.Олимжон майдони, 1Б, тел./факс: 99871 237-47-00, 237-48-00, ёки компаниянинг расмий сайти: www.atcturon.uz, e-mail: info@atcturon.uz.**

***Вероника СИНЯГИНА.***

## • РЎЙХАТЛАР

**Тошкент шаҳар хўжалик судининг қарорига асосан Шайхонтоҳур туманидаги тугатилаётган корхоналар РЎЙХАТИ**

| Корхона номи | СТИР | Рўйхатдан ўтган рақами ва санаси | | Юридик манзили |
|---|---|---|---|---|
| "BAHODIR-NAR" (БАХОДИР-НАР) ХК | 201177335 | 26.04.2001 | 469 | Форобий кўч., 383 |
| "DIL-DAN" ХФ | 202626352 | 07.08.1998 | 990/8 | 7-Қўрғонча, 51 |
| "ALISHER DILOROM O'G'LI" ХК | 205019037 | 26.04.2004 | 224-09 | С.Дарвоза, 116а |
| "EVERY PLUS MASTER" ХК | 206634142 | 07.06.2006 | 1299-09 | Хизматчи кўч., 10 |
| "AQRAB NUR" ХК | 300022312 | 04.10.2006 | 001515-09 | Белтепа, 18-36 |
| "BIS-FARHOD" МЧЖ (С А.ИКРАМОВСК) | 201233503 | 09.01.2003 | 24 | Айний кўч., 27 |
| "ANSAR-SERVIS" МЧЖ | 205755404 | 18.07.2005 | 854-09 | С.Дарвоза, Дучор берк кўч., 51 |
| "AZRINA STYLE" МЧЖ | 300125444 | 18.06.2007 | 001636-09 | Кўкча бозори |
| "D-SHAMSI-NUR GOLD" | 300469357 | 29.05.2007 | 001918-09 | Боғ кўча, 17-25 |
| "AFRODITA-VIR" | 300566474 | 14.09.2007 | 002104-09 | У.Юсупов кўч., 1а-28 |
| "O'ZULGURJSAV.AK BINO.TASAR.ETI" | 200934969 | 01.11.2001 | 1126 | Навоий кўч., 7 |
| "TASVIRIY OYINA TIJORAT" ШК | 202661231 | 22.12.1998 | 1478/12 | Навоий кўч., 30 |
| "USTAZODA-ZARGAR" ХФ | 204106942 | 15.07.2002 | 682 | Эски Жўва растаси |
| "KOMFORT-QURILISH XIZMAT" МЧЖ | 203814119 | 04.01.2002 | 3 | М-14-9-2 |
| "FIONA BROK" МЧЖ | 205559513 | 24.03.2005 | 683-09 | А.Қодирий кўч., 7а |
| "KASHMIR-CHIN" МЧЖ | 205589096 | 04.04.2005 | 707-09 | Марказ-14, 7 |
| "MUXAYOBEGIM-SERVIS" МЧЖ | 205877284 | 22.11.2005 | 994-09 | Бекзод 1-берк кўч., 2 |
| "KONSALT-TRAST" МЧЖ | 206926997 | 27.07.2007 | 2035-09 | А.Ходжаев, 1 |
| "JMAVTO-KLASSIK" | 300740456 | 28.02.2008 | 002410-09 | А.Навоий кўч., 44 |
| "INTENSIVE" | 300757877 | 12.03.2008 | 002435-09 | А.Навоий кўч., 13 |
| "РАХИМДИЛЛИК" | 200895314 | 27.10.1995 | 716 | У.Юсупов кўч., 1 |
| "OLIMXON" МЧЖ (ОЛИМХОН КП) | 201098251 | 13.02.2003 | 347 | С.Вурғун кўч., 3а |
| "SIFAT MENEJMENT" МЧЖ | 203154101 | 23.02.2000 | 212 | С.Дарвоза кўч., 4 |
| "SARKOR ALFA" МЧЖ | 203638273 | 16.04.2001 | 415 | Белтепа, 14б-120 |
| "RUNAME VOLD" МЧЖ | 204781604 | 09.01.2004 | 000096-09 | Навоий кўч., 7 |
| "REAL ESTATE BROKER" МЧЖ | 205687275 | 23.05.2005 | 790-09 | Бунёдкор кўч., 8б |
| "NASIB TEKS KAPITAL" МЧЖ | 206329323 | 05.04.2006 | 1181-09 | Анҳор бўйи, 2-1 |
| "NILMAX SOLUTIONS" МЧЖ | 206954797 | 19.03.2008 | 2449-09 | У.Юсупов кўч., Авиатсон |
| "RIDON OMEGA" | 300315310 | 01.03.2007 | 001753-09 | Ал Хоразмий 2-тор кўч., 14 |
| "SAIGON TAOMI" | 300384495 | 02.04.2007 | 001796-09 | А.Навоий кўч., 22 |
| "XALQ ISTE'M.MOLLAR TOSH.REG.MA" | 204304633 | 11.08.2003 | 1102 | Навоий кўч., 25 |
| "TEX-SERVIS RMS" МЧЖ | 204743942 | 12.12.2003 | 000058-09 | Алп Жамол 1-тор кўч., 20 |
| "O'ZSABIRKOYA" МЧЖ | 205044119 | 12.05.2004 | 247-09 | Мужрим Обид, 8б |
| "TEXTILE MARKET INVESTMENTS" МЧЖ | 205617908 | 15.04.2005 | 732-09 | А.Навоий кўч., 25 |
| "UNIVERSAL TRADING BIZNES" МЧЖ | 205721408 | 20.06.2005 | 822-09 | А.Қодирий кўч., 7а |
| "HUSHIJAHON-ORO-BEGIM" МЧЖ | 205988375 | 23.01.2006 | 1069-09 | Фурқат кўч., 6 |
| "TRUMAN SAVE" МЧЖ | 206437592 | 20.04.2006 | 1203-09 | Архитекторлар кўч., 65 |
| "SHINING INDUSTRY" | 300668687 | 02.01.2008 | 002282-09 | Беруний кўч., 2 |
| "TRANS-SPENTEX" | 300677494 | 11.01.2008 | 002299-09 | У.Юсупов кўч., 95-2 |
| "CHEH-INFO" | 300701789 | 31.01.2008 | 002338-09 | У.Юсупов кўч., 76 |

Мазкур корхоналарнинг думалоқ муҳр ва штамплари бекор қилинади. Дебитор ва кредиторлик даъволари эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой муддатда махсус комиссия томонидан Тошкент ш., А.Қодирий кўчаси, 7а-уй манзили бўйича жойлашган Шайхонтохур тумани ҳокимияти биносида, 2-қаватдаги Тадбиркорларни рўйхатга олиш хонасида қабул қилинади. Тел. 241-87-45.

**Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2009 йил 26 февралдаги ажримларига асосан Чилонзор туманидаги банкрот деб топиш бўйича иш очилган корхоналар РЎЙХАТИ**

| Корхона номи | Ажрим рақами |
|---|---|
| "TEMIR TOJ SERVIS" МЧЖ | 10-0911/2364 |
| "BULDING PROJEKT OPTIMA" МЧЖ | 10-0911/2668 |
| "LAQATAJ PLUS" МЧЖ | 10-0911/2362 |
| "ALDUS LIMIN PLUS" МЧЖ | 10-0911/2365 |
| "JAHON GOLD FARM" МЧЖ | 10-0911/2366 |
| "ABBOSXON BIZNES" МЧЖ | 10-0911/2667 |
| "KOMART SERVIS" ХФ | 10-0911/2363 |
| "SIGPOJ SYSTEM TEXNO" МЧЖ | 10-0911/2361 |

Мазкур корхоналар бўйича кредиторларнинг 1-йиғилиши 2009 йил 23 март соат 10.30 да Чилонзор туман ДСИ биносида ўтказилади. Тугатув бошқарувчиси этиб Ф.Тўхтаев тайинланган. Корхоналарга нисбатан талаб ва таклифлар Тошкент ш., Бунёдкор кўчаси, 51а-уй манзилига билдирилиши мумкин. Тел. 276-98-15.

***

**Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2009 йил 14 январдаги ҳал қилув қарорларига асосан Ҳамза туманидаги банкрот деб эътироф этилган ва тугатишга оид ишлар бошланган корхоналар РЎЙХАТИ**

| Корхона номи | Қарор рақами |
|---|---|
| "MENDER" МЧЖ | 10-0816/17019 |
| "MARJONA BIZNES" ХК | 10-0816/17020 |
| "GRISER QURILISH" ХК | 10-0816/17021 |
| "ALDINA" МЧЖ | 10-0816/17022 |
| "MAVGAN SANOAT" ХК | 10-0816/17023 |

Мазкур корхоналар бўйича тугатиш бошқарувчиси этиб 4-тоифали суд бошқарувчиси Ҳамза туман ДСИ ходими Д.Зиямов тайинланди. Ушбу корхоналарга алоқадор шахс ва корхоналар ўз мурожаатларини қуйидаги манзилга билдиришлари мумкин: Тошкент ш., П.Маҳмуд 2-тор кўчаси, 6-уй, Ҳамза туман ДСИ биноси, 311-хона.

